





Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 261 (13.217).
6 НОЯБРЬ
1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

УЙҒУН

ҲЎЖУМ

Октябрь кунлари боболаримиз
Ҳужум қилган эди «Қишлик Сарой»га
Биз эса инсонлар бахти деб, бугун
Ҳужум қилмоқдамиз Юлдузга, Ойга.
Халқимиз меҳнати ва ижодидан
Кулбалар айланди олтин саройга.
Шу қадар юксалдик, шунча ўсдикки,
Байроқ тика олдик кўкдаги Ойга.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ

маҳсус ўқув юрти бор. Ҳар ўн минг киши ҳисобига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан Узбекистон Европадаги тараққий этган капиталистик мамлакатлардан аллақачон ўтиб кетди.

Коммунизм кишиларга чинакам Озодлик, Меҳнат, Тенглик, Бахт-саодат, Тинчлик, Қардошлик бахш этувчи, инсониятнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқарувчи нурафшон жамиятдир. Капитализмнинг ҳалокати, коммунизмнинг тантанаси даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсониятга ана шу энг адолатли, энг гўзал жамиятни барпо этиш йўлларини биринчи бор кўрсатиб берди. Улуғ Октябрь туфайли эксплуатация ва миллий зулм кишанларини абадий ҳеч қайтмас қилиб парчалаб ташладик. Улуғ Октябрь туфайли Совет Социалистик Республикаларининг озод Иттифоқини бунёд этдик ва мустаҳкамладик, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, зиёлилар учун энг бахтиёр, фаровон жамият барпо этдик.

Эксплуатация ва миллий зулмнинг ҳамма жабр-жафоларини чеккан Урта Осиё, жумладан Узбекистон меҳнаткашлари учун бу улкан революция айниқса ҳаётбахш, бенисҳо қадрлидир. Улуғ Октябрь революцияси туфайли, жонажон Ленин партияси, катта оғамиз улуғ рус халқи туфайли бахтиёр, меҳнатсевар ўзбек халқи озодлик ва тараққиётнинг кенг, ёруғ йўлига, коммунизм йўлига чиқиб олдики, бунинг учун улардан ҳамиша, ҳаммавақт ва абадий миннатдордир.

Шарқда социализмнинг нурафшон машъали бўлиб қолган Совет Узбекистони Улуғ Октябрь туфайли ин-дустрлашган, қишлоқ хўжалиги ривожланган, ҳозирги замоннинг қудратли техникаси билан қуролланган, фан ва маданияти гуллаб-яшнаган, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги ғоялари тантана қилган, совет халқларининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган социалистик республикага айланди.

Агар биз республикамизнинг революциядан кейинги давр ичидаги ўсиш суръатларини кўрсатувчи баъзи рақамларга мурожаат қилсак, нақадар илгарилаб кетганлигимизни яна ҳам аниқроқ билиб оламиз. Республикамизда шу давр ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти 24 баравар кўпайди, электр энергияси ишлаб чиқариш 540 баравар, нефть чиқариш 320 баравар ошди. Газ, химия, машинасозлик ва саноатимизнинг бошқа янги-янги тармоқлари полвон қадамлар билан юксалмоқда. Яқин йиллар ичида қурилиб, ишга туширилган Бухоро — Урал магистрал газ қувури қалбимизнинг, ҳамма нарсадан улуғ ва азиз дўстлигимизнинг ҳароратини қардошларимизга ҳадя этмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги, унинг муҳим тармоғи — пахтачилигимиз йилдан-йилга қанот ёзмоқда. Узбек пахтакорлари бу йил Ватанга шу кунга қадар 3 миллион 700 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотдилар. Бу революциядан илгариги даврга қараганда 7 баравар кўпдир. Республикамиз меҳнаткашлари она-Ватанга плондан ташқари 200 минг тонна пахта сотишга қарор қилдилар. Бу партиямизнинг бўлажак XXIII съездига Узбекистон меҳнаткашларининг катта совғасидир.

Узбекистонда пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам гуркираб ўсмоқда. Узбекистон Иттифоқимизнинг йирик қоракўлчилик базасидир. Республикамиз саҳий ерлари пилла, чорва маҳсулотлари, каноп-жут, сабзавот, мева, полиз экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳам бенисҳо бойдир. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ана шу турлари бўйича ҳам планни оширib бажардилар.

Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш ғоялари республикамизда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятимизнинг йилдан-йилга барқ уриб яшнашини таъмин этмоқда. Республикада 30 та олий ўқув юрти, 88 та ўрта Олимлар, фан докторлари, кандидатлари, илмий ходимлар, маданият ходимлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Республикамизда мактаб, театр, кино концерт залларн, кутубхоналар ва бошқа маданият ўчоқлари халқ учун, кенг омма учун хизмат қилмоқда.

Узбекистон республикаси эришган бу галабаларнинг, улкан қадамлар билан олға бораётганлигимизнинг сири нимада! Бунинг сири бизга озодлик, мустақиллик, равнақ ҳаёт бахш этган Улуғ Октябрь революцияси, буюк йўлбошчимиз Ленин тузган Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати, оғамиз улуғ рус халқининг, барча қардош халқларининг бегараз, биродарона ёрдамидир.

Советлар мамлакатида халқларнинг ленинча дўстлигидан ҳам кучлироқ, улуғроқ, муқаддасроқ куч йўқ! Бу дўстликнинг ижодкори, ташаббускори, уни янада мустаҳкамлаш йўлида жон куйдириб курашаётган Коммунистик партиямиздир. Партиямизнинг бутун сиёсати, ишлаб чиқаётган янги-янги режалари энг муқаддас нарса, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Пленум хўжалик ва маданий қурилишнинг туб масалаларини конкрет ва амалий суратда ҳал этиб берди, иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги ва маданиятини янада тараққий эттириш истиқболларини белгилади. Бу — коммунистик партиямиз, ленинча Марказий Комитетимизнинг совет халқларининг қардошлик оиласида бахтиёр яшаётган, ижод қилаётган, нурли жамият барпо этаётган барча элатлар, миллатлар, халқлар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Улуғ Октябрь туфайли, ленинча миллий сиёсат туфайли эришган муваффақиятларимиз ҳаммамизни бениҳоя шод ва хурсанд қилади, социалистик тузумимизга бўлган ишончимиз, меҳр-муҳаббатимизни яна ҳам оширади. Бу албатта кўп миллатли совет давлатимиздаги, кўп миллатли Советлар мамлакатидаги ҳамма кишиларнинг ифтихоридир. Биз кишиликнинг эзгу-орзулари — коммунизм жамияти барпо этиш учун курашмоқдамиз. Коммунизм ижтимоий ҳаёт тузилишининг энг олий, энг гўзал формасидир. Бир-бирига дўст, инок, ўртоқ, устоз бўлиб фидокорона меҳнат қилаётган барча миллатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий манфаатларининг тўла бирлиги, қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги коммунизм жамиятида яна ҳам ривож топади.

Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш ғоялари остида Европа, Осиё ва Латин Америкасида социализм ва коммунизмнинг кенг ва ёруғ йўлига тушиб олган янги социалистик мамлакатлар вужудга келди. Эксплуатациядан, империализм исканжасидан озод бўлмаган мамлакатларда, мустақиллик учун, империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати тобора кучаймоқда. Синфий кураш тобора кескин тус олляпти. Буларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрь бошлаб берган улкан ишнинг ажойиб тантанаси, ҳаётий ифодасидир. «БИЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК СОВЕТ РЕСПУБЛИКАМИЗ, — деган эди В. И. Ленин, — ХАЛҚАРО СОЦИАЛИЗМНИНГ МАШЪАЛИ БЎЛИБ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИГА НАМУНА БЎЛИБ, МУСТАҲКАМ ТУРА БЕРАДИ».

Улуғ Октябрь ғоялари нинг мужассами бўлган Улуғ Советлар мамлакати жангларда синалган йўлбошчимиз Коммунистик партия раҳбарлигида яқин келажагимиз, коммунизм сари дадил олға бораверади.

Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш ғоялари, марксизм-ленинизм улуғ таълимоти, замонамизнинг ақли, идроки, шоншарафи ва виждони доно Коммунистик партиямиз сиёсати биз бораётган улуғ, бепоён йўлимизни йўлчи юлдуздек ёритиб турибди.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чорвадорлар мусобақасининг 1965 йил ўтган уч кварталидаги якунини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё областига** (область партия комитетининг секретари **Маҳмудов**, область ижроия комитетининг раиси **Тасанбоев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги **Бухоров** ўртоқлар) беришга қарор қилдилар. Бу область қора моллар туёғини кўпайтириш планини 101,2 процент, чўчқалар сонини кўпайтириш планини 109 процент, қўй ва эчкилар туёғини кўпайтириш планини 114,6 процент бажарган, сигирдан сонини кўпайтиришни таъминлаган; ҳар юз бош сигирдан 72 тадан бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2043 тадан чўчқа боласи ва ҳар юз бош совлиқдан 127 тадан қўзи олган; барча турдаги чорва молларнинг нобуд бўлишини камайтирган ва қора молларнинг 98,3 процентини, чўчқаларнинг 95,4 процентини; қўй ва эчкиларнинг 98.5 процентини сақлаб қолган; гўшт етиштириш йиллик планини 75 процент, сут етиштириш йиллик планини 86 процент, тухум етиштириш йиллик планини 79 процент бажарган; ҳар бир сигирдан 1247 килограммдан сут соғиб олган, ҳар бир товуқдан 91 тадан тухум олган, 1 октябргача давлатга гўшт сотиш ва топшириш йиллик планини 67,6 процент, сут сотиш ва топшириш планини 82,4 процент, жун сотиш ва топшириш планини 84,3 процент, қоракўл тери сотиш ва топшириш планини 135 процент бажарган; дағал хашак тайёрлаш планининг 84,3 процент ва силос бостириш планининг 56,5 процент бажарилишини таъминлаган. Байроқ Бухоро областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Самарқанд областидаги **Нурота районига** (район партия комитетининг секретари **Хўжақулов**, район ижроия комитетининг раиси **Ҳамроев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги **Мамарасулов** ўртоқлар) берилди. Бу район ҳар юз бош сигирдан 80 тадан бузоқ ва ҳар юз бош совлиқдан 137 тадан қўзи олган, қора молларнинг 98,2 процентини ва қўй ҳамда эчкиларнинг 99,2 процентини сақлаб қолган; сут етиштириш йиллик планини 99 процент, гўшт етиштириш йиллик планини 112 процент бажарган; 1 октябргача давлатга гўшт сотиш йиллик планини 102,5 процент, сут сотиш йиллик планини 100,6 процент, жун сотиш йиллик планини 101,1 процент адо этган; дағал хашак тайёрлаш планини 106.5 процент бажарган. Байроқ Бухоро областидаги Навоий районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областидаги **Фориш районига** (район партия комитетининг секретари **Керимов**, район ижроия комитетининг раиси **Каримов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги **Султонов** ўртоқлар) берилди. Бу район қора моллар туёғини кўпайтириш планини 118 процент, чўчқалар сонини кўпайтириш планини 109 процент, қўй ва эчкилар туёғини кўпайтириш планини 119.5 процент бажарган; ҳар юз бош сигирдан 89 тадан бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2750 тадан чўчқа боласи ва ҳар юз бош совлиқдан 138 тадан қўзи олган; қора молларнинг 98.2 процентини, чўчқаларнинг 94,2 процентини; қўй ва эчкиларнинг 96.8 процентини сақлаб қолган; сут етиштириш йиллик планини 86 процент, тухум етиштириш йиллик планини 97 процент бажарган; ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдорини 14.8 процент кўпайтирган; дағал хашак тайёрлаш планини 105 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областидаги Қарши районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Бухоро областидаги **«Конимех» давлат наслчилик заводига** (директори **Кузембоев**, партия комитетининг секретари **Умаров**, ишчилар комитетининг раиси **Рикбоев**, бош зоотехниги **Баринова** ўртоқлар) берилди. Бу хўжалик қўй ва эчкилар туёғини кўпайтириш планини 106.2 процент, давлатга гўшт топшириш йиллик планини 91,3 процент, жун топшириш йиллик планини 102 процент, қоракўл тери топшириш йиллик планини 183 процент бажарган; ҳар юз бош совлиқдан 156 тадан қўзи олган; наслга қўзи қолдириш планини 115.9 процент бажарган; гўштга топширилган ҳар бир қўйнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 45 килограммни ташкил этган ва топширилган қўйларнинг 70 проценти ўртадан юқори семизликда бўлган; қўй ва эчкиларнинг 99.6 процентини сақлаб қолган; дағал хашак тайёрлаш планининг 156 процент бажарилишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областидаги 4-«Чиноз» совхозидан олиб берилди.

Тошкент ва Қашқадарё областлари, Оржоникидзе, Қувa, Навоий, Қарши районлари, Сурхондарё областидаги Гагарин номли, Самарқанд областидаги «Каттақўрғон», Андижон областидаги Ленин номли ва Фарғона областидаги Калинин номли совхозлар чорвачилик соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

ЗАФАР МУБОРАК

Ҳазорасп районн

Хоразм областидаги Ҳазорасп районидан хушхабар келди: район меҳнаткашлари Октябрь байрамига муносиб туҳфа тайёрладилар. Давлат омборларига плондан ташқари 7 минг тонна пахта тўкилиб, социалистик мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига жами 63 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Район бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 32,6 центнерни ташкил этди. Шунча пахтанинг 12400 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди.

Ҳазорасписликлар давлатга тағин 3000 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Район хўжаликларида кузги тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга ошириляпти.

Когон районн

Бухоро областидаги Когон районн пахта тайёрлаш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Топширилган пахтанинг 93 процентн биринчи сортга қабул қилинди.

Район меҳнаткашлари Октябрь байрами ва КПССнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб, давлатга тағин 3200 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар.

Когонликлар давлатга пилла, гўшт, қоракўл тери, туҳум сотиш планларини ҳам муваффақиятли адо этдилар.

Табрик ва Қутлов

ҚОРАҚУМДАН САЛОМ

М. АЛИЕВ,
Қўриқ ерлари «Байрамали» совхозининг механик-ҳайдовчиси

Қорақумда янги ўзлаштирилаётган ерларнинг пахтакорлари Улуғ Октябрь байрами арафасида мамлакатга 3 миллион 600 минг тонна «оқ олтин» бериб, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган ўзбек оғайниларини қизғин табриклайдилар.

Узбекистоннинг пахта усталари — бизнинг қадимги мусобақадош дўстларимиздир. Биз улардан кўпгина қимматли, фойдали тажрибаларни ўргандик. Узаро текшириш вақтида уларнинг берган маслаҳатлари, амалий мулоҳазалари ва кўрсатган ёрдамлари туркман диёрининг меҳнаткашларига, шу жумладан қўриқ ерларда тузилган совхозимизга мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга ёрдам берди. Дўстларимиз Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев ва бошқалар республикамизга меҳмон бўлиб келиб, ўзларининг бой тажрибаларини ўртоқлашиб, шу билан бизга мисласиз катта ёрдам бердилар.

Ҳўжалигимизда янги ерларни ўзлаштираётган азаматларнинг меҳнат ғалабасига эришганликлари тўғрисида Узбекистон пахтакорлари билан бир кунда рапорт берганликлари бизни айниқса қувонтирмоқда. Ватанга 4 минг 650 тонна қорақум пахтаси берилди. Биз ҳеч қачон шунча кўп пахта олганимиз йўқ. Ҳосилнинг кўп қисми машиналарда териб олинди. Бизнинг совхозимиз Улуғ Октябрь байрами, КПСС XXIII съезди шарафига мусобақалашиб, плондан ташқари юзлаб тонна пахта беради.

Туркманистон ССР

ИСТАКЛАРИМИЗНИ ЙЎЛЛАЙМИЗ

Берди КЕРБОБОЕВ,
Туркманистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

Қардош республика пахтакорларини, бутун ўзбек халқини катта шонли ғалаба билан, бунинг устига катта байрам билан қутлайман. Бу ғалаба қаҳрпатан ҳам шонли ғалабадир. Мен ҳар гал Узбекистон бўйлаб сафар қилганимда республика меҳнаткашларининг меҳнатига, маҳоратига қойил қоламан. Улар Мирзачўлни боғ-бўстонларга айлантирдилар, янги каналлар қурмоқдалар, қанраб ётган дашт-биёбонларда шаҳарлар барпо қилмоқдалар.

Узбекистон дарҳақиқат «оқ олтин» макони. Ватан ўзбек пахтакорларидан уч миллион олти юз минг тоннадан кўпроқ биринчи сорт пахта олди. Мўл ҳосил етиштирган моҳир механизаторларнинг кўлларини бутун мамлакат танийди. Шоирлар уларга бағишлаб шеърлар ва позмалар, композиторлар қўшиқлар яратмоқдалар. Янги ҳаёт қураётган мана шу ғамтор меҳнаткашларга шон-шарафлар бўлсин!

Азиз дўстлар, сизларга энг яхши истакларимни йўллайман, порлоқ истиқболимиз йўлида янги-янги ғалабалар тилайман!

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДА

Ташқи савдо министри Д. Доржготов бошчилигида Монголия Халқ Республикасининг ҳукумат савдо делегацияси музокараларни тугаллаш ва Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида товар обороти тўғрисидаги шартнома протоколини имзолаш учун 4 ноябрда Москвага келди.

Д. Доржготов ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Совет—монгол савдо муносабатлари кўпдан бери давом этаётган, вақт синовидан ўтган традицияларга эга. Шу йил ёзда мамлакатларимиз ўртасида беш йилга мўлжалланган узоқ муддатли савдо битими имзоланган эди. Бўлажак музокаралар ва 1966 йилга мўлжалланган товар обороти тўғрисидаги шартноманинг протоколини имзолаш ҳам муваффақиятли ўтишига имончимиз комил.

(ТАСС).

ҚИРҒИЗ ҚАРДОШЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Қирғизистон республикасининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширa борибб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятга эришдилар. Чуй областининг лавлагикорлари давлатга плондаги 1.600.000 ўрнига 1.685.318 тонна лавлаги сотдилар. Ана шу қимматли маҳсулотни тайёрлаш давом эттирилмоқда.

Лавлагикорлар кетидан республика пахтакорлари ҳам ғалаба қозондилар. Улар тайёрлов пунктларига 158 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Тайёрланган пахтанинг тўртдан уч қисми биринчи сортларга қабул қилинди. План 35 иш кунида адо этилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 21,7 центнердан ҳосил олинди. Эришилган ғалабага Уш областининг барча пахта етиштирувчи районлари меҳнаткашлари ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Айниқса Ленин, Фрунзе ва Лайлак районларининг деҳқонлари яхши меҳнат қилишди. Улар план бажарилганлиги ҳақида биринчи бўлиб рапорт беришди.

Илғор хўжаликларда пахтадан мўл ҳосил олинди. Аравон районидаги Жданов номли колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 36,3 центнердан, шу райондаги «Янги йўл» ва Ленин номли колхозларининг аъзолари эса 31 центнердан ҳосил териб олишди.

Ҳосил йиғим-теримда машиналардан кенг фойдаланилди. Ленин, Қорасув, Лайлак, Сузоқ ва Фрунзе районларининг механизаторлари айниқса яхши намуна кўрсатишди. Лайлак районининг хўжаликларида машина теримн планн 138 процент бажарилди, ҳар бир агрегат билан 160 тоннадан зиёд пахта терилди.

Қирғизистон пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва партиямизнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, давлатга яна 3.000 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.

ПАХТАМИЗ 3.700.000 ТОННАДАН ОШДИ

ҒУРУР

Қандай ажойиб, бахтли замонда яшаяпмиз! Мунаввар жамиятимизда инсон учун, унинг бахт-саодати учун барча қулайликлар, ноз-неъматлар муҳайё. Чунон мўл-кўлчилик, чунон тўкин-сочинлик даврида умр кечиряпмизки, содда қилиб айтганда, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортда, эгнимиз бут, қорнимиз тўқ, эртага нима ер эканман деган ташвишимиз йўқ.

Илғор миллат — рус пролетариати революция бешиги — қадимий Питердаги Қишқи саройни забт этган кезларда, «Аврора» замбарагининг аксадоси узоқ Туркистонга етиб келган чоғларда биз ҳам улуғ рус халқи ёрдамида қўлимизга қурол олиб, элимизни асрий азоб-уқубат, миллий айирма ва тенгсизлик исканжасидан абадий халос қилиш учун отланган пайтларимизда хаёлимда яка-ю ягона фикр кезарди: халқим, асрлар оша бир бурда қотган нонга зор бўлиб, текинхўр, ҳаромхўр бойларга илигидаги, билагидаги кучини сарфлаб, заҳмат чеккан халқим, наҳотки, тенглик, эркинлик ҳуқуқидан бахраманд бўла олмаса? Ўзбеклар ҳам ўзгалар қатори саводини чиқариб, илм-фан чўққиларига чиқа олармикан? — деб ўзимга-ўзим савол берардим.

Башариятнинг ўлмас сиймоси, доҳиймиз, севимли йўлбошчимиз Владимир Ильич Ленин раҳнамолигида вужудга келган жонажон партиямиз, улуғ рус халқининг оғаларга хос бегаразлик хис-туйғулари билан кўрсатган ёрдами туфайли кетмон ўрнига қўлимизга милтиқ олиб, заҳматкаш фуқарони зулукдек сўриб келган очкўз бойларни, Ўрта Осиё сийнасидаги битмас-туганмас бойликларга азалдан йиртқичлардай кўз олайтириб, ҳуруж қилиб келган чет эллик «жаҳонгирлар»ни битта ҳам қўймай она тупроғимиздан қувиб чиқардик, тор-мор келтирдик.

Ҳозирги фаровон турмушимизга разм ташлар эканман, қалбим беқиёс қувончли хис-туйғуларга тўлиб-тошади. Дарҳақиқат, фахрланса арзийдиган дамларни бошдан кечиряпмиз. Ҳозирги фаровон турмушга пухта замин бениҳоя қийин шароитларда, оғир жангларда яратилганки, буни асло унутиб бўлмайди. Йиртиқ чопон, яғир босган дўппи, қирқ еридан ямалган чориқ-либосимиз шу эди. Култепаю сомонхоналар бизга бошпана бўлиб хизмат қиларди. Ана шу қаби ғоят мураккаб вазиятда курашиш, галабага эришишнинг ўзини бир лаҳза кўз олдингизга келтирсангиз, ўшанинг ўзи мислсиз жасорат эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Октябрь қўёши биз, ўзбекларга зулмат ва ҳуқуқсизлик занжирини умрбод парчалаб, улоқтириб ташлашга имкон берди.

Орадан қирқ саккиз йил ўтди. Утмишда чексиз жабру ситамларда кун кечирган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилиниб келган халқим эндиликда социализмнинг бирдан-бир нурли ва равон йўлига чиқиб олди. Бунинг учун, бундай бахтиёр ҳаётимиз учун жонажон Коммунистик партиямиздан чексиз миннатдормиз.

Совет кишиларининг ҳозирги авлоди меҳнат қилиш, ўқиш, дам олиш ҳуқуқларига эга. Бу ҳуқуқларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли, қадрдонимиз Ленин башорати туфайли юзага келди.

Раҳим ШЕРМУҲАМЕДОВ,
1918 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

БИНОКОРЛАР РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бинокорлари Улуғ Октябрь байрами шарафига вахтада туриб, 50 дан ортиқ муҳим саноат ва ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширдилар. Жумладан, Олмалиқ мис саралаш фабрикасининг 7- секцияси, Фарғона фуран бирикмалари химия заводининг фурил спирти цехи, Тошкент ва Урганч нон заводларида янги қувватлар барвақт ишга туширилди.

* * *

Шеробод чўлида барпо қилинаётган 4 та совхозда комплекс қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. 10 ойда 30 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриб битказилди. Сурхондарёдаги 11-ихтисослаштирилган трест коллективи маданий-маиший ва уй-жой бинолари қурилишини авж олдирмоқда.

* * *

Наманган шаҳридаги 10-қурилиш трестининг аъзоларидан Янгиқўрғон районида йилига 250 машинани ремонт қилишга мўлжалланган машина-трактор устахонасини, Наманган 280 ўринли болалар боғчасини, Учқўрғонда 400 ўринли кинотеатрни қуриб тамомладилар.

ГАЗ КЎПАЙМОҚДА

Бухоро — Тошкент газ қувури системасининг сўнгги қўшимча участкаси — 160 километр масофадаги Милютино—Сирдарё газ қувури фойдаланишга топширилди. Участка қурувчилари ўзларининг меҳнат совғасини Улуғ Октябрнинг 48 йиллигига бағишламоқдалар.

Бу йил магистралнинг биринчи тармоғига параллел ҳолда ишга туширилган трубопроводларнинг умумий масофаси салкам 400 километрни ташкил этади. Бу — Ўзбекистоннинг асосий газ қувурида газ ўтказиш қобилиятини тўртдан бир баравар оширши имконини берди. Тошкент ва республиканинг бошқа индустриал марказлари ўзларининг тез ривожланаётган саноати учун Муборак—Тошкент—Фрунзе — Олмаота магистрали ишга туширилмасданоқ бу йил қишда қўшимча суратда миллионлаб кубометр зангори ёқилғи оладилар.

БАЙРОҚ МУБОРАК

Ўрта Осиё магистралининг темир йўлчилари 3- кварталда 2-кварталдагига қараганда яхши ишладилар. Планга қўшимча равишда юз мингдаб тонна юклар ортилди ва ташиб берилди. Вагонлар оборотн тезлашди, тепловозларнинг ўртача суткалик йўл босиши кўпайди, бир қатор участкаларда янги техника жорий этилди.

Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам юқори бўлди. Корхоналарнинг рентабеллик даражаси ортди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди, юк ташиш таннархи арзонлашди, пўлат магистрал меҳнаткашлари планга қўшимча анча фойда кўрдилар. Бутуниттифоқ темир йўлчиларининг учинчи квартал мусобақаси кунида ғолиб чиққанлиги учун Ўрта Осиё темир йўли коллективи СССР Йўллар министрлиги ва темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Н. КРАВЧЕНКО.



Фото лавҳалар





Тўйга тўёна билан келиш халқимизнинг азалий яхши одати. Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 48 йиллигини ҳар жабҳада янгидан-янги зафарлар билан кутиб олиш, улуғ байрамни муносиб нишонлаш учун кураш мусобақасини авж олдирдилар. Бу эса умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Мана бугун шонли ҳаракат самараларига якун ясалмоқда. Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларимиз ўз постларида фидокорона меҳнат қилиб, байрамга муносиб туҳфалар тайёрладилар.

Лафзи ҳалол пахтакорларимизнинг бу йилги меҳнат муваффақиятини ҳар қанча мақтаса арзигулик. Оллоёр Раҳматуллаев [чапдаги сурат] байрам олди мусобақасининг пешқадамларидан. У ўзи ишлаётган Хоразм область Гурлан районидаги Куйбишев номли колхоз далаларидан «зангори кема» ёрдамида 100 тоннадан ортиқ пахта териб топширди. Фарғона азот ўғитлари заводининг аммиак селитраси цехи коллективи ҳам байрам шарафига олган мажбуриятини ортириб бажарди. Ўртадаги суратда цехнинг илғор ишчиларидан В. Киселев [чапдан], Ф. Сандбурхонова, Ф. Мустафин, ва Г. Ожиганов ўртоқларни кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда: Тошкент тўқимачилик комбинати тайёр маҳсулотлар бўлимининг моҳир контролёри Зарифа Тошмуҳамедова. У ҳар сменада 6 минг ўрнига 7 минг метр газламани текширириб кўрмоқда.

Н. Ключнев, Г. Бойко (ЎзТАГ) ва В. Сироткин фотолари.

«КОСМОС-95»

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 4 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-95» учирилди. Йўлдош ичида 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош орбитага чиқарилди:

Дастлабки айланиш даври — 91,7 минут;

Ер сатҳидан энг кўп узоқлашуви (апогейида) — 521 километр;

Ер сатҳидан энг кам узоқлашуви (перигейида) — 207 километр;

Орбитанинг оғиши — 48 градус 24 минут.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 20,005, 30, 0075, 90, 0225 мегагерц частоталарда ишлайдиган «Маяк» радиопередатчиги бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш - ҳисоблаш марказн олинаётган ахборотни ишлаб чиқмоқда.

АСРИЙ ОРЗУЛАР ТАНТАНАСИ

Воҳид ЗОҲИДОВ

Куни кечаги оқшом. Билмадим надан-са — юртимизда юз бераётган улуғвор ишлар, шу жумладан ҳаммасини уйса Ҳимолой тоғидан ҳам ошиб кетадиган уч миллион етти юз минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» илҳомиданми ёки улуғ 7 ноябрь байрами нашъасиданми ё, қолаверса, бешинчи синфда ўқийдиган миллион-миллион баҳор гулидай гўзал ва бахтиёр Октябрь болаларининг бири ҳамда шеъру ғўзаллик шайдоси ўғилчам Музаффарнинг машҳур:

Осмон доим соф бўлсин.
Қуёш доим порласин. . .

деган ашулага назира қилиб ва Ленин бобосига бағишлаб ёзган ғоят нафис сатрлари таъсириданми, балки буларнинг барчасининг жамул жами патижасиданми (тўғриси шу!) айниқса бу оқшом менга ниҳоят даражада ажойиб сирли, сеҳрли бўлиб кўринди. Кўчага чиқдим. Осмон мусаффо. Кун бўйи бераҳд коинот кезиб еримизга нур ва ҳаёт бахш этган қуёш яқинлашда фазода оловли из қолдириб, энди уйқу огушида ҳуррам дам олаётгандай, эртаги сахий сайрига тайёрланаётгандай. Ундан зиё олаётган осмон париси тўлин ой эса иффатли келинчакдай сепини ёйиб ҳам осмонни, ҳам ердаги дилларни безаётгандай. Бу, бир неча вақт аввал ўтган ҳосилдор ёзнинг яратиб бериб кетган ҳозирги мўл-кўл кузини ҳам эслатарди.

Дарҳақиқат, нақадар ажойиб сирли — сеҳрли ва ёқимли манзара. Осмон чароғон, хиёбонлар чароғон, уйлар чароғон, юзларда кулги, табассум. Радио қар, найларидан янграйди голибона овоз, шодиёна куй, бахт жарчиси соз- Ҳатто табиат ҳам бир қудратли симфонияга айланиб, зафар музасини куйлаб ифодаланаётгандай. Ёнимда қўзичоқдай сакраб-сакраб ўтиб кетаётган ва қўллари байрам совғалари билан тўлган боланинг ўз ҳамроҳига: «Онажон, эртага мени ҳам Ленин майдонига намойишга олиб чиқасиз-а» деган сўзларида ва онанинг: «Ҳа албатта сен билан биз ҳам борамиз» деб берган жавобида қанча чуқур маъно, катта ғурур ва севинч борлигининг ҳисобига етиб бўладими, ахир! Партиямизнинг қаршимдаги катта ва муҳташам биносида эса ажойиб қарор ва режалар ишланмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бу улуғ байрам олди оқшоми ижодкор меҳнат ва ғолибона кураш кунларининг сурурини сурадиган дилрабо оқшомдир, уларга якун ясайдиган ва келажак режалар ҳақида ўйлайдиган оқшомдир. Бу, айни замонда, шу куну кечаларга олиб келган узоқ ва яқин тарихга назар ташлаш зарур бўлган, шундай қилиб шу ёркин кунлар ва дилрабо кечаларнинг қадрига чуқур етиш, ардоқлаш кераклигини уқтирадиган оқшомдир. Бу, гарчи «..богбонини сўрама» десалар-да, лекин сўрайдиган—уни ижод этган омиллар ҳақида мамнуният ва тасанно билан сўзлайдиган оқшомдир. Хуллас, бу, воқелик ва ҳаёт деган беўлчов улкан сиргоҳу коргоҳ қаърига фикру хаёлни олиб кетадиган ажойиб оқшомдир.

. . .Эҳ-ҳе, узоқ мозийдан ўз бошланғичини оладиган тарих нималардан далолат бермайди, нималарнинг шоҳиди эмас! У тўкилган беҳисоб қонлар ва тўхтовсиз оқкан кўз ёшлари! У вайронагарчилик келтирувчи жангу жадаллар ва қирғинлик тўгдирувчи низолар, фитна-фужурлар! У замон зўравонларининг— одам қиёфасидаги аждаҳосимон маҳлуқларнинг йиртқичларча талончиликлари, юлғичликлари, ваҳшиёна хулқ-атвор ва урф-одатлари! У ўзи барча бойликларни яратиб ва кошоналар қуриб, бунинг эвазига қисмати чидаб бўлмас қашшоқлик ва шафқатсиз касаллик, хўрлик ва ҳуқуқсизлик қоронғи кулба ва сарсону саргардонлик бўлган миллионлар, уларнинг оҳ-доди ва фиғону фарёди!

Қарангки, бу фожиа ва адолатсизлик асрлар мобайнида ҳукмрон бўлди («Сариқ Иблис» ихтиёридаги мамлакатларда эса ҳамон ҳукмрон). Бунга хотима бериш учун қўли қадоқлилар ва улуғ ақл-заколилар томонидан оз ҳаракат қилинмади. Ахир шунчадан-шунча дору турмалар жазо қонунлари-ю жаллод қиличлари шулар учун яратилди.

Бунинг устига у муборизлар на бу фожиа ва адолатсизликнинг мавжудлиги ҳамда ҳокимлиги, барқарорлигининг туб сабабларини ва на-да. уларга барҳам беришнинг асосий йўл ҳамда воситаларини била олдилар. Қизиғи шундан ҳам иборатки, у улуғ ақл-зако эгалари ердан бир неча миллион километр узоқликда турган ва Ерга нисбатан бир қулчадай бўлиб кўринган қуёшнинг сирларини, унинг Ер куррасидан ҳеч қиёс қилиб бўлмайдиган даражада улкан эканлигини била олдилар-у, лекин ўз атрофларида ҳар куни бўлиб турган фожиа ва адолатсизликнинг тагига ета олмадилар, уларни йўқотиш йўлларини тушуна ва топа олмадилар. Демак, бу шу даражада ўта улканлиги, шу даражада мураккаб эди.

Асрлар ўтди, авлодлар ортидан авлодлар ўтди — асорат, ахтариш ва адашишликда ўтди, фожиа ва адолатсизликнинг ҳукмронлигида ўтди — масала ўта мураккаблигича ва жумбоқлигича қолаверди.

Ниҳоят, бу жумбоқ ҳал этилди. Бунинг учун эса фожиа ва адолатсизликни ўзига бош белги ҳамда принцип қилиб олган мудҳиш социал тузумнинг тананазулга юз тутиши, тубдан бошқача тузумга ўз ўрнини бериши пайти келиши лозим эди. Бунинг учун миллион-миллион меҳнат аҳлларининг ўз моҳияти ва миссиясларини билиб олишлари, уюшишлари ва ишга киришиб қабоҳат оламига олов уфуришлари зарур эди. Бунинг учун ана шу «ўзини таниган» миллионларнинг истак ва интилишларини, ирода ва идрокини ўзларида мужассамлаштирган, асрлар тажрибасини, ахтаришлар натижасини, курашлар оқибати ва сабогини умумлаштирган, жамиятнинг ривожланиш ҳамда ўзгариш, ўзгартириш қонунларини кашф этган ва шу асосда иш олиб борган Маркс ҳамда Ленин даҳоси, Коммунистик партия ва унинг ташкилотчилиги керак бўлди. Шу ҳал этилди.

Ана 1917 йил. Октябрь воқеалари шу жумбоқнинг амалий ҳал этилишининг бошланиши бўлди. «Аврора» замбаракларининг зарбалари асрий истибдод истеҳкомини парчалаб, зулм ва зулмат оламини ларзага келтирди ва башарият ҳаёти ҳамда тарихида янги давр бошланганлигидан бутун планетамизга хабар берди.

Улуғ Октябрь инқилоби ва унинг ғояларининг зўрлигини қаранки, ўшандан кейин мамлакатимизда оҳ-ҳе нималар рўй бермади, кимлар билан олишмадик, қандай қийинчиликларга дуч келмадик ва нималарни қўлга киритмадик! Тишига қадар қуролланган ва пўлатга бурканган вайроначилар билан, одам қиёфасидаги ажалфуруш ваҳшийлар билан, ўлим ва разолат билан олишдик, олов ва қон кечдик. Енгдик. Душман яратган ҳароблик ва очлик билан, қолоқлик ва хурофат деган балойи азим билан, қаҳатчилик ва дилхираликка қарши курашдик. Енгдик. Ана шу қаҳатчилик ва дилхираликнинг ўзи ҳам ҳаёлимизда ҳеч қачон ўчмайдиган ёрқин ва ибратли воқеа бўлиб қолди.

Ҳаммасини айтиб тамом қилиб бўладими ахир!?

Ҳа, Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси, ифодаси ва оқибатини қудратли саноат гигантларида ва дуиёни ҳайратга солган санъатимизда, кексаларнинг осуда ҳаёти ва ғўдакларнинг бахтиёр табассумида кўрмоқдамиз. Янги яратилган дарё-ю денгизларда ва ҳосилдор далаларимизда, миллионлаб китоб-у қанча керак бўлса, шунча мавжуд мактабларимизда, инсон маънавати хизматига қўйилган ер ости бойликлари-ю азим нур станцияларида кўрмоқдамиз. Биз уни пилта чироқ ва омочнинг, кетмон ва шуларга ўхшаш бошқа қолоқлик одатлари-ю аломатларининг аллақачонлар «ажойибхона»лар мулкига айланганлигида кўрмоқдамиз. Биз уни коинот қаърини забт этиб, ойга йўл ола бошлаганимизда, атом сирларини эгаллаб, ундан мўъжизалар яратаётганимизда кўрмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, биз уни мамлакатимизда қаватма-қават қад кўтараётган муаззам коммунизм биносида кўрмоқдамиз.

Буларнинг ўзидагина эмас. Бизни қул қилиш, жаҳонга ажал уруғини сочиш фикридаги монополистик Америка зўравонларини, вампир ва вандалларни жиловлаб келаётган қудратимизда ҳам, Франко турмасидаги инқилобчи маҳбуснинг қатъияти ва вьетнамлик жангчининг мувафаққиятида ҳам, кубалик коммунистларнинг ғалабаси ва анголалик ватанпарварларнинг курашида ҳам, Африка халқларининг бизга бўлган беҳад муҳаббати ва ташаккури-ю тасанносида ҳам шу Улуғ Октябрь инқилоби ва унинг ҳайратомуз ҳамда ҳаётбахш оқибатлари кўринади.

Мана эртага бепоён, озод ва гулгун Ватанимизнинг ҳар ерида, ҳар уйда ҳамда ҳар дилда шу Улуғ Октябрь байрами тантанаси ҳукм суражак. Кўчаларни ола байроқ ва транспарантлар безаб, бахтиёр намойишчиларнинг «ура!» овозлари фазони эгаллайди, майдонларни севинч рақслари ва шодлик қўшиқлари қоплайди. Қўлларда гулдаста, чеҳраларда қаҳқаҳа, тилларда мамнунлик ва тасанно.

Буларнинг барчаси инсоният тарихида ақл талаби ва адолат тақозоси билан тубдан тўнтарилиш ясай бошлаган ўша Улуғ Октябрь инқилобини шарафлашдир, унинг галабасини таъмин этишни бошқарган Ленин ва унинг партиясини шарафлашдир.

Яшасин шу инқилоб!
Яшасин шу байрам!
Яшасин шу улуғ айём!

БАХТ

Йўлга тикила бериб Солиябибининг тоқати тоқ бўлди. Биттаю битта илинжиси Сотиболди эди. Қаерларда юрибдийкин ҳозир? «Бойлар дон-дунларини беришяпти, деган эди у Солиябиби билан хайрлашда туриб, — қараб турaверсак, бева-бечораларнинг уволига қоламиз. Бахт учун кураш бу!»

Мана, беш кун ўтяпти. Кеча тушган ўғрилар уйни шип-шийдон қилиб, ҳатто тишларининг навбаларида асраб турганлари — бир турмак жўхори бошини ҳам олиб кетишди. Тушликка сурпани қириштириб зўрға иккита қатирма чиқарди. Бунинг устига Раҳмонжон «дада, дада» деб, юранни эзяпти. Қачон келарикин? Иш қилиб ўша баттолларнинг қўлига тушмаган бўлсин! — Ана шу ўйлар Солиябибининг бошини ари уя қилиб юборган. 6-7 ёшлардаги Раҳмонжон-чи? Дадаси унга нуқча нон олиб келармикин? Нега алсининг огзидан «худо, худо, Сотиболдини паноҳингда асра, раҳминг келсин бизга» сўзлари тушмайди? Худо эса, чурқ этмайди. Қаерда турарикин у? Уйларини босган ўғриларнинг «ишимизни худо ўнглаяпти, яна қўлласа Сотиболдининг ўзини сиртмоқлардин» деганини наq қулоги билан эшитди-ку! Шу топда кимдир чўча эшинни бесаранжом тақиллатиб қолди. Ким экан? Сотиболдини қидириб юрган ўғриларми? Қўрқанидан Солиябибининг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Эшикнинг тирқишидан мўралади. Олача чопонли барваста йигит тўлганиб турибди. Бузрукхўжа ака-ку! Бунча безовта у? Нега қовоқлари уйилган?

— Нима гап, — дар-дар титради Солиябиби, — қани у?

— Янга, — Бузрукхўжанинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди, — Сотиболди доим «жонимиздан нечсан ҳам бахтга интиламиз» дер эди... Элни деб...

Бошқа сўз айтишга тили бормади. Сотиболди йўқ экан. Тўйчининг йигитлари уни ҳийла билан қўлга туширib, оғзига қум тиқишибди. Жасади тўғон бошидан топилди. Ҳанг-манг бўлиб турган Солиябиби бу фожиани замбар кўтариб келаётган кишиларга кўзи тушгандагина сезди. Раҳмонжон аясининг этагига ёпишди. Иккови ҳам гангиб қолди, қулоқлари гип битди. Иккови... йўқ, йўқ қалам ҳам бетламади бу сағирлар нолиши ҳақида сўз юритишга...

— Дўстим, Сотиболди, — дейди Бузрукхўжа қабр тепасида ич-ичидан ёниб, — дунёга келиб нима кўрдинг! Қанчалар орзуларинг бор эди. Қасамёд қиламизки, улар ерда қолмайди...

1918 йилнинг ана шу ваҳимали кунларида Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғли Риштон «камбағаллар комитети» раисининг мусавини ва Уйрат жамоасининг секретари эди. Ҳар кадамда хавф. Мана, уч кун бурун «камбағаллар комитети»нинг раиси сеҳрлик Мэнсур қори Маннон ўғлини бўғизлаб кетишди, Тўдалик Худойқул ҳожи суваранларининг ифлос қўли билан бўлибди бу разиллик! Мансур қорининг вазифасини ҳам Бузрукхўжага юклашди. Бугун эса, жамоа раиси Сотиболдидан айрилиб ўтиришибди. Жамоат раислигига Қосим Хайрулла ўғли сайланди. Бир ой ўтар-ўтмас унинг ҳам бошини ердилар. Раисликни уйратлик батраклардан Ортиқ Мирниёз ўғли олиб борди. Бузрукхўжа қанча-қанча туюқлардан ҳатлаб ўтди...

Эл оғзига зинҳар тутиб бўлармиди. Чек-чегарасиз шов-шув гаплар киши кўнглига васваса ва гулғула солади. Ахир ҳали у ердан, ҳали бу ердан қурт-қумурсқадай пайдо бўлаётган босмачилар кўз очиргани қўймаяпти. Кўзи очилган кишилар учун умидсизлик ёт, жон сақлашнинг пайига тушиш — жиноят. Ким ёруғликдан юз ўгиради? Жон кўринадими шундай паллада! Орзуларга кўндаланг бўлувчи шарпаларга ўлим! Қасос ўти алангаланди. Кучлар ортди. Уйрат, Дашт, Пандигон, Оқер, Тўда атрофида изғиб, эл тинчлигини бузаётган Тўйчи, Худойқул ва бошқа майда ўғриларнинг йиғитлари туриш беролмай сичқон инини минг танга қилишди. Баъзилари бўлиниб-бўлиниб Файзиобод, Бачқир, Бешариққа уя қурган Алиёр, Эргаш, Ҳамдамдан нажот сўраб боришди. Қолган-қутганлари эса, яйдлмалин Кал Узбекнинг пинжига тиқилди. Уч олиб беришга ваъда қилган Кал Узбек жамоа секретари Бузрукхўжа ва жамоа раиси Ортиқ ана номига хат юборибди, 20 минг сўм пул топиб беришни талаб қилибди.

— Пул эмиш, тушингни сувга айт, иккала қўлимиз жўнракда бўлган вақтлар ўтиб кетди, — деди Бузрукхўжа, — илдизингни қуритмасак...

Ортиқбой ҳам дилидан шу сўзларни ўтказди. Рад жавоби қайтарилди. Алам билан от ўйнатиб келиб тўс-тўполон кўтариши аниқ. Қочган-кутган лар билан йиғитлари кўпайиб, кўзига қон тўлди... Вақт тиғиз. Ортиқбой бошлиқ бир группа йиғитлар йўлдан адашган баъзи яланг оёқларнинг кўнглига қўл солиб кўриш ва уларни сафга тортиш учун киши билмас қишлоқ оралаб кетишди. Бузрукхўжа эса шомга яқин Бағдоддаги «қизил партизанлар» билан маслаҳатлашгани жўнади. Кучларни бирлаштирмаса аҳвол танг! Бағдодликлар билан галпи бир ерга қўйган Бузрукхўжа қуролланган ўн чоғли йигит билан тонг гира-шираси да Уйратга қайтди. Қишлоқ нотинч. Юраклар дун-дун уради. Кал Узбекнинг 150 чамасидаги галамуслари Уйратга бостириб кирибди. «Қизил партизанлар» отряди 50 кишига етар-етмас! Жанг. Яна гала-говур, яна ур-сур! Бузрукхўжа билан келган йигитларнинг милтиқларидан тўсатдан узилган устма-уст ўқлар босмачиларнинг ўтаназини ёрди. Тапира-тупир қочишга тушишди. Агнаб қолганлари ҳам анчагина. «Қизил партизанлар»дан ҳам бир нечаси жўнирмаяпти. Қани улар? Ортиқбой қаёқда қолди? Ортиқбойнинг бўйнига солинган арқонни отга боғлаб, роса улоқ-улоқ қилибди лаънатилар. Қонларни қайнатди бу фожиа. Кун бўйи Ортиқбойнинг бола-чақалари билан бўлган Бузрукхўжа кечки пайт Дашт, Пандигон қишлоғига йўл олди. Ёш келин Ҳалимабиби қон йиғлаб ўтирган экан.

— Хайрият, — дейди у ўзини Бузрукхўжанинг қучоғига отиб, — хайрият. Ҳали ҳозиргина Пўлат Ризо ака келиб, Кал Узбек изингизга одам қўйганини айтди, 2 та соғин сигир ваъда қилибди. Анови Мадғойиб буванинг ўғли Раҳмон қорангизни пойлаб юрганмиш.

— Ҳалимабибижон, қўй, кўз ёш қилма, ота-боболаримиз етина олмаган бахт учун курашиш бизга насиб қилди,— юпатади Бузрукхўжа,— отрядимиз Бағдодга бирлашди, сафарга ҳозирлан...

Бағдодда (ҳозирги Фурқат станцияси) уларни Неъмат Усмонов ва яна бир неча деҳқонлар кутиб олди. «Қизил партизанлар штаби»нинг ёнгинасидаги масжид ҳужрасига жойланишди. Вазият жиддий. Маслаҳатга тўпланишди. Қўқон шаҳрида хуруж қилаётган «Шўрои ислом»нинг Мир Одил, Камол қози, Аббосхўжа эшон, Юнусхон ҳазрат, Имомназар аъламлари ўз вайсақиларини ҳар тарафга тарқатай сочиб, соддадил одамларни йўлдан тойдиришга уринаётганидан кўз юмиб бўладими? Ҳаёт сўз ва тиғ билан курашишни тақозо этяпти. Қишилар қўллаб-қувватламаса — режалар, ҳаракатлар, орзулар — бари пуч! Йигилишда қатъий тадбирлар белгиланди...

1920 йил кўкламидаёқ «қизил партизанлар» сафи ўн баравар ортди. Улуғ Ленин кўрсатмаси билан юборилган Фрунзе қизил аскарлари мадади ва Йўлдош Охунбобоев, Исроил Охунов, П. М. Парамонов, А. Н. Зимин, Абдураҳмон Султонов, Бегмат Нурматов, Н. П. Нинофоров, Д. Е. Коновалов сингари революциянинг Фарғона водийсидаги баҳодирлари бевосита кўрсатган йўл-йўриқлар умид учқунларини порлатди. Ғалаба «қизил партизанлар» қўлида. Эргашнинг Бачқирдаги таянчлари — Бадал ва Ражаб понсодларни 40 йигити билан қуролсизлантиришда, Кал Узбек билан Мулла Маноснн Чўнғарада қўлга туширишда Бузрукхўжа ишбошилик қилди. Кейинчалик Риштон революцион комитетининг раиси вазифасига кўтарилган Бузрукхўжа Дашт қишлоқда Мусо ўғрини, Янгиқўрғонда Қурбон чигитки ва ниҳоят, 1929 йилда Бордон қишлоқда Рустам понсод ва Иброҳим халифаларни ўз қўли билан арқонлади.

Ана шу оловли йиллар Бузрукхўжа ҳаётидаги жанговар саҳифаларнинг бошланиши бўлди. 1927 — 1929 йилларда Фарғона округ ер бўлимининг бошлиғи, 1929—1943 йиллар давомида Избоскан, Бағдод райони, 1943—1953 йилларда Фарғона область ижроия комитети раиси бўлган ва бир неча марта ССРР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлигига сайланган Бузрукхўжа Усмонхўжаев озмунча ишларнинг тепасида турдими?! Катта Фарғона канали қурилишида кўрсатган жўшқин фаолиятининг ўзи қаҳрамонли ва ибратли қисса эмасми?! Кўкрагини 2 та Ленин ордени, 4 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва яна қанча орден ва медаллар безаб турган бу нуроний отахонимиз ҳамон меҳнат қўйнида.

... Фарғонанинг Педагоглар кўчасида бир киши салмоқли қадам ташлаб келяпти. Шоир айтганидай «аср-дийда қайғағочдай забардаст». У ҳар куни шу кўчадан ишга қатнайди, ишдан қайтади. Ҳозир эса, сайр қилиб юрибди, невaралари билан. Ахир бугун байрам. Кўзлар қизил алвонларга битилган «Ўлмасин Бахт, Тенглик, Тинчлик, Биродарлик!» сўзларига тушади. Ота ҳаёл оғушида. Нималарни ўйлаяпти экан у шу топда? Бугунги бахт, бугунги чароқлаган ҳаёт йўлида қурбон бўлган батраи дўстлари — Мансур қори, Сотиболди, Ортиқбой, Неъмат акалар унинг кўз олдидан ўтдиминн? 1918 йил қишида босмачилар уни жон қолатда ахтарганда Тожибой жувозхонасининг ташландиқ жувозхонасида уч кун ўтириб чиққанини эсладиминн? Тутинган дўсти Сотиболдининг ўғли Раҳмонжонни ўз фарзандлари қатори ўқитди, сагирлигини сездирмади, то уйлигжойли бўлгунча қаноти остида ардоқлади. Раҳмонжон хозир Риштонда. Икки ҳафтадан буён учрашолгани йўқ улар. Ҳозир отанинг кўнгли ўша ёққа талпиняптиминн? Ҳа, ҳамма, ҳаммаси хиёл мўралаб ўтди. Юзларига табассум қўнди.

— Бахт, — шу сўзни дил-дилидан танторлайди у, — осонлнча тутқич бермадинг. Қон ва меҳнат билан бошимизга кўндирдик сени!

Я. СУЛАЙМОНОВ.

ЎЛКАМИЗ ЯШНАСИН

Хиёбонларда, ўрмонзор ва боғларда дарахтлар ҳали баргини тўкиб бўлганича йўқ, аммо Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари эса республикамизни янада кўкаламзорлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Республикада традицион кўчат ўтказиш ойлиги бошланди. ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўрмон хўжалиги ва табиатни мухофаза қилиш бошқармасининг бошлиғи М. Исамуҳаммедовга бу йил кўчат ўтказиш планлари қандай, деган савол билан мурожаат қилди.

Бу йил кузда, деди М. Исамуҳаммедов, республикада 25 миллиондан ортиқ, баҳорда эса 65 миллиондан кўпроқ ўрмон ва мева дарахтлари кўчатлари ўтказиш кўзда тутилган. Чирчиқ, Бурчмулла, Жиззах, Бойсун ва бошқа тоғли ўрмон хўжаликларининг ходимлари тоғ ёнбағирларида саккиз миллион кўчат ўтказадилар. Текисликлар ёнбағирларида бир минг гектар майдонда ҳозиргидаёқ ёнғоқ, бодом, писта кўчатлари ўтказилди. Бу йил 860 тонна мева ва ёнғоқ ҳосили олиниб, план ошириб бажарилди. Сурхондарё областидаги Боботоғ ўрмон хўжалиги коллективи пистадан энг кўп 95 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, топшириқни икки баравар ошириб бажарди.

Фарғона, Андижон, Сурхондарё ва Сирдарё областларининг кучли шамол бўлиб турадиган бир қанча колхоз ва совхозларида иҳота дарахтзорлари ҳосил қилинмоқда.

Қизилқумда катта ишларни амалга ошириш планлаштирилмоқда. Салкам 300 тонна саксовул уруғи таёрлаб, уни 38 минг гектар майдонга экиш кўзда тутилмоқда. Ўрмон хўжаликлари саксовул уруғларининг бир қисмини яйловларга экиш учун ажратмоқда. Маълумки, саксовул узоқ яйловлардаги озуқа запасларини бойитибгина қолмай, шу билан бирга қумлар кўчишининг олдини олади.

Дарёларнинг водийларида, асосан, тошлоқ жойларда боғлар барпо этиш юзасидан анчагина ишларни амалга ошириш планлаштирилмоқда. Хўжаликларга «қийин» ерларда мева ва узум етиштириш агротехникаси бўйича тавсияномалар берилди. Каптархон ўрмон хўжалиги ходимларининг мўл мева ҳосили етиштириш бўйича бой тажрибаси ана шу тавсияномаларга асос қилиб олинди.



Чўл бўстонга айланмоқда. Мирзачўлда мўл ҳосил етиштириш имконияти вужудга келмоқда. Ҳозир Мирзачўл ерларни пахтага кон бўлиб қолди. Йил сайин ерга-ер қўшилиб, экин майдонлари кенгайиб бормоқда.

Шу муносабат билан Мирзачўлда кўплаб пахта тозалаш саноати корхоналари барпо қилишга киришилди. Уларнинг тўғричи Сирдарё областидаги Герман Титов номли 6-совхозда қуриб битказилди, у йилига қарийб 40 минг тонна «оқ олтин»ни қайта ишлай олади. Яқин келажакда Мирзачўлда тағин 8 та шундай завод барпо этилади. Суратда: 6-совхозда қуриб битказилган янги пахта тозалаш корхонасининг умумий кўриниши.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

САМАРҚАНД ДОНИ

Улуғ Октябрь байрами арафасида Самарқанд областининг ғаллакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлат омборларига 3 миллион 450 минг пуддан кўпроқ Самарқанд дони тўкилди. Бунинг кўпи Зарафшон водийсида машҳур қайроқи буғдойдир.

Ғаллаорол, Пастдарғом, Каттақўрғон, Пайариқ ва Самарқанд районларининг ғаллакорлари областда планнинг бажарилишига айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Область меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақанинг кун сайин қизитиб, кузги дон экишни жадал суръат, аъло сифат билан давом эттирмоқдалар.

ЎЧҚУНЛАР

РЕПОРТАЖ

Завод территориясини айланиб юрар экансиз, Суҳбатдошимиз монтёр Константин Брикаевнинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди. Тепловоз ва дизель цехлари корпуси олдида қад кўтарган мўъжазгина ҳайкалга юзланди. Юзланди-ю, узоқ сукут сақлаб қолди. Бу, буюк революциянинг улуғ машинисти Владимир Ильич Ленининг ҳайкали эди. Ҳайкал локомотив ғилдиракларидан устига ўрнатилган. У шу туришида худди тириндек, олға қараб чорлаётгандек.

Константин Брикаев ҳайкалнинг яратилиши, худди шу жойга ўрнатилиш тарихи ҳақида ҳеч нимдан эшитмаганим янгилиларни гапириб берди. 1917 йилнинг 28 октябри тонготарида Ташкентдаги Бош темир йўл устахонасининг ишчилари Куропаткин бошлиқ Вақтли ҳукуматга қарши қурол билан илк бор майдонга чиқдилар. Темир йўлчи ишчилар биринчи Сибирь ўқчи полкидан милтиқлар олиб, революция душманларига қарши ҳужумга ўтдилар. Бироқ, фақат милтиқлар билангина курашиб бўлмаслиги тезда аён бўлиб қолди. Тўплар зарур эди. Уни топиш устахона вагон цехининг бўёқчиси И. Гусаковга топширилди. У тезда артиллерия қисмлари билан боғланди. Худди ўша куни Сапёрлар кўчасига жойлашган артиллерия дивизиясидан «Ишчилар қўрғони» деб ном олган Бош темир йўл устахонасига никита тўп келтирилди. Шу кунни кечқурун революцияни бўғиб ташлашга шай бўлиб турган Вақтли ҳукумат солдатларига тўплардан ўқ отилди. Шу тўплардан биттаси ҳозир заводнинг тарихий музейида ёдгорлик учун сақланмоқда.

Тўпларнинг отилиши «Аврора» ҳайқиришларига Туркистондан, Ташкентдан туриб берилган дастлабки акссадо эди. Тўп отилган жой Владимир Ильич Ленин номи билан боғланиши ҳақида истак билдирилди. Бу ерга доҳийга ёдгорлик ўрнатишга келишиб олинди. Шу тариқа ҳозирги Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводи территориясида революция доҳийсига ҳайкал ўрнатилди.

Ҳайкалнинг лойиҳасини вужудга келтириш учун конкурс эълон қилинди. 15 та лойиҳа танлифи тушди. Шулардан биттаси — корхона темирчилик цехининг бошлиғи А. Резуненконинг лойиҳаси маъқулланди. Ҳайкални ана шу лойиҳа асосида темир йўлчи ишчиларнинг ўзлари тайёрлашди.

Ҳақиқий инсон одамларга ҳамиша яхшиликни раво кўради. Умрини, жонини шу қутлуғ ишга тиккандар кўп. Бундай кишилар бир умрга одамлар хотирасида сақланадилар. Одамлар ундай кишиларнинг шаънига қўшиқ ва достонлар битадилар. Аммо бунга ҳам нўнгилари тўлмайди, яхшилик қилганга ундан ҳам ўтказиб жуда катта яхшилик қилишни хоҳлайдилар. Кишилар бир умрга ўша одамни улуғлаб чарчамайдилар.

Владимир Ильич Ленин ҳам шундай кишилардан. Ҳамманинг олқишига, миннатдорчилигига сазовор бўлган. Эзилган инсонга озод яшаш йўлини кўрсатган, ҳаммага бирданига жуда катта яхшилик қилган меҳри дарё, қалби пок, ниятн тоғлардек юксак буюк инсон. Меҳнаткаш халқ озодлиги учун қалбини қалқон қилган валломат одам у.

Завод ишчилари шу буюк инсон хотираси учун ўз корхоналари территориясида, Туркистонда революциянинг ғалаба қозониши учун биринчи тўплар овози янграган жойда ҳайкал ўрнатдилар. Ҳайкал В. И. Ленин вафотидан бир неча ой кейин — Улуғ Октябрнинг шонли етти йиллиги арафасида ўрнатилди.

Илгари темир йўл устахонаси бўлган бу завод Туркистонда революциянинг ғалаба қозонишн учун олиб борилган курашларда ишчилар кўргони вазифасини бажарди. Ўзбекистонда революциянинг ғалаба қозонишн шу корхонанинг тарихи билан узвий боғлиқ. Бу ердаги доҳий ҳайкали Ўзбекистонда биринчи эди. Ундан кейин ҳам жуда кўп тўнис ҳайкаллар яратилди. Лекин заводдаги ҳайкалнинг ўз тарихи, бошқача хислати бор.

Революция оуронларида мустаҳкамланган завод коллективи революционерлар ўчоғига айланиб қолди. Заводда ишлаб, ҳозир меҳнатининг роҳатини кўраётган нўпғина революционерлар ҳозир пенсияда. Тимофей Паршин ҳам, Константин Ригин ҳам революция ғалабаси учун курашган кишилар, шу заводнинг ишчилари. Пенсияда бўлсалар ҳам қадрдон корхоналарини тарк қилганлари йўқ. Заводга тез-тез келиб турадилар, жамоат ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Корхона 1898 йилда ташкил топган. Ўша йили бор-йўғи 15 паровоз, 100 тагина вагон ремонтдан чиқарилган. Мана ўшандан буён завод мамлакатимиз пўлат магистраллари учун локомотивлар ва вагонлар ремонт қилиб бермоқда. Корхона ташкил топганидан буён ишчиларнинг уч авлоди етишиб чиқди. Биринчи авлод корхонани барпо этган, революцион курашларда қатнашган кишилар. Корхона ишини такомиллаштиришда зўр матонат кўрсатиб ишлаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров, Иван Алёшин, Халил Кабиров, Олимжон Маллаев каби ўнлаб ишчилар иккинчи авлод аъзоматлари. Улар кетидан ёш, аммо наср-ҳунарга чаққон учинчи авлод ҳам етишиб чиқди: токарь Роза Мавликаева, слесарь Халил Полвонов, Абдузокир Абдуҳоқидов ёш бўлса ҳам, сафдошларига намуна кўрсатиб ишлаётган қалби қайноқ жонкуярлардан.

Константин Брикаев корхонанинг ривожланиш тарихини ҳам жуда яхши тасаввур қилади. Янги машина-ускуналар ўрнатилгандиги, такомиллашган технологиянинг жорий қилинганлиги, малакали кадрлар армияси сувдига келганлиги — буларнинг ҳаммаси корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг мутгасил ортиб боришига имкон бермоқда. Кейинги 40 йил ичида заводда маҳсулот тайёрлаш 18 баравардан кўпроқ, агрегат ва станокларнинг қуввати 10 йилнинг ўзидагина 380 процент ортди.

... «Ишчилар қўрғони»да революцион аланга учқунлари илк бор ёлқинланди. Константин Брикаев билан суҳбатлашиб, ўша бўронли кунлар «шоҳидн» бўлдим.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи.

ХУШХАБАР

Байрам арафасида «Голодностепстрой» бошқармасига хушхабар келди. Шу йилнинг учинчи кварталида қурилиш-монтаж ишларида ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш соҳасида эришилган муваффақиятлар учун СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи яна мирзачўлликларга берилди.

Бошқарма қурилиш-монтаж ишлари планини 111 процент бажарди. 5,1 минг гектардан ортиқ қўриқ ер дашт чангалидан олиниб, ўзлаштирилди, 26,7 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

СОВҒА

Пойтахтнинг Октябрь колхоз бозори ёнида қад кўтарган янги магазин ҳақиқатан ҳам ошиқ-мошиқлар магазини — «Тоҳир ва Зуҳра» деб ном олди. Янги савдо мерказ икки қаватли бўлиб, биринчи қаватда болалар, иккинчи қаватда эркак ва аёллар кийим-кечаклари сотилади. Моллариниг ҳаммаси складдан магазинга лифт орқали чиқарилади.

Магазинимизнинг афзаллиги шундаки, бу ерда ахборот бюроси ташкил этилган. Башарти, харидор магазиндан истаган нарсасини топа олмаса, ўша нарсани қаерда борлиги тўғрисида справка берилади. Харидор уй адреси ёки телефон номерини ташлаб кетса, магазин ходимлари дарҳол хабар қилишади.

Магазинимизга марҳамат!

Н. НАЗИРОВ,
«Тоҳир ва Зуҳра» магазинининг директори.

УҚИГАН ЎҒИЛ ОТАДАН УЛУҒ

ОЧЕРК

Қизиқ, Ҳамдам ака қайси минтақага бориб, қай бир халқаро симпозиумда илмий доклад қилмасин, Исроилми ё Англия, Ғарбий Германиями ё Чехословакия, мухбирлар галаси уни ҳоли-жонига қўймай, етти пуштини суриштираверади. Бири «мистер Усмонов» деб саволга тутади, бири «жаноб Усмонов» деб мурожаат қилади, бири «мсье Усмонов» деб каловлатади, бири «герр Усмонов» деб интервью олади.

— Миллатингиз?
— Ўзбек.
— Қаерлик бўласиз?
— Тошкентлик.
— Ёшингиз нечада?
— Салкам эллида.
— Бола-чақангиз борми?
— Бор. Лола деган қизим. Анвар деган ўғлим.

Турган гап, бу жавоблар содда, табиий. Уларни дабдаба қиладиган жойи йўқ. Лекин ғарб газетчилари бир нарсани билганларида аграйиб қоладилар.

— Падари бузрукворингиз ким бўлганлар?
— Телпакчи бўлганлар!
— А?!

Сенсация худди шундан бошланади.

«Наҳотки телпакчининг боласи профессор?! Ширич билан қундуздан бошқа «каромат»ни билмайдиган телпакчининг Ван-Соддининг силжиш қоидасига, Бутлеровнинг тузилиш назариясига, Вестоннинг нормал элементига қандай алоқаси бор?

* * *

Раҳматлик отаси Мирусмон ака телпак бозоридан чармаб-ҳориб қайтгач, «Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?» деб, намози асрга чиқмас, ўғлини тиззасига ўтқазиб, панд-насиҳат қилар эди: «Мирзаҳамдам ўғлим, илмга ёпиш. Мен мадрасанинг тупроғини ялаганим билан кўзим очилгани йўқ. Дунёдан қониб-суқиниб ўтиб кетяпман. Аҳли бўл. Аҳд топган давлат топар. Қушни қаноти боқади, балиқни —қуйруғи, одамни—ақли...».

Иккилоб арафасида туғилган Ҳамдамнинг таржимаи ҳоли мисғар бувасиникига ўхшаб, телпакчи отасиникига ҳам ўхшамайди. Зулматда туғилган бўлса ҳам, ёруғда ўсди. Соҳда ўсган гул қаёқда-ю, офтобда ўсган гул қаёқда!

Мактабга кирди. Алифбо ўрганди. Хат таниди.

Онаси Жамол опа саккизинчи мартда паранжи ташлаб, Эски Жўвадаги чалласаводлар мактабига қатнаб юрган незлари, Ҳамдам Бедил мактабида карра жадвални, ҳандасани ўрганар, доска олдига чиқганида билган бўлса жилдини ўйнаб қайтар, билмаган бўлса кўчадан йиғлаб кирар эди. Зийрак, кобил бола эди. Ўткирлигини болаларидан эшитган қўшнилар Ҳамдамнинг ота-онасига:

— Кўчқорнинг пешанаси дўнг бўлади, донолиги кенг бўлади. — дейишарди. — Туф-туф, кўз тегмасин, болангизнинг олим бўлиши пешанасидан маълум. Ҳадеб ёнғоқ ҳам ўйнамайди, оқ терагу кўк теракка ҳам кўп қўшилавермайди. Узоқуқун кўзи китоб-дафтарда.

Ҳамдам мактабда ажойиб бир мўъжизакор билан танишди. Кимё унга сирли таёқчага ўхшаб кўринди. Гўё ана шу таёқчани топиб олсанг, дунёнинг ҳамма жумбоқлари ечилиб кетадигандай. Очил дастурхон ҳам, ойнаи жаҳон ҳам ана шу таёқчанинг ичига жойлашганга ўхшарди. Муаллим унга: «Кимё—моддалар тўғрисидаги, уларнинг ўзгариши ва бу ўзгаришга сабаб бўладиган ҳодисалар тўғрисидаги фан», деди. Ҳаво, сув, ўт, дори, тузэ, ёғ, темир — ҳаммаси кимё мўъжизаси эканлигини тушунтирди.

Ўрта Осиё Давлат университетининг кимё факультетига... Биологик кимё, физик кимё, геологик кимё! Биргина кимёнинг ўзи қанча фанларга бўлинади-я! Студент ана шу фанлардан энг қийинини ва энг истиқболлисини—физик кимёни танлади.

Ҳамдам Усмонов студентлик йилларидаёқ «Ацетонитробензол, ацетон-фенолнинг физик-кимёвий анализи» деган темада илмий иш ёзди. 1941 йили «Туз эритмаларининг бузилиш потенциали» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Нуроний олимлар диссертацияга юқори баҳо беришди.

Ўқиш йилларининг тантаналари, олим бўлиш шодликларининг нашъу намолари бирдан узоқ-узоқлардан гумбирлаб эшитилган замбарак даҳшатларига, снарядларни қўнғилни оздирувчи портлашларига аралашиб кетди. Қиличдай йигитларнинг еган-ичганлари татимай қолди. Ватан ўз арслонларини жанггоҳга чақирди.

— Урушга кетдим, — дейди Ҳамдам ака, — окоп қазидим, милтиқ отдим, дарё ёчдим. Икки марта яраландим. Госпиталлар Рейхстаг деворларига ўз номларини ёзиб қолдирганларидан кейин соғинган юртимга —Тошкентга қайтдим...

Ёмғирдан кейин офтоб чиқади. Майсалар қулф уради. Гуллар очилади. Одамлар деҳқончилик қиладилар. Урушдан кейин худди шундай бўлди. Уруш ўтган йилларда янги кишлоқ ва шаҳарлар барпо қилинаётган бўлса, уруш ўтмаса ҳам, аммо унинг азоби ўтган Ўрта Осиё республикаларида экинзорлар кенгайтирилаётган, юртимизнинг қут-баракаси кўпайтирилаётган эди.

* * *

Тошкентнинг Қуйбишев кўчасида иккита иморат бир-бирига тақалиб турибди. Никаласи ҳам Ҳамдам Усмоновнинг илмий лабораторияси, қизиқ кашфиётлари туғилган ва докторлик диссертациясининг саҳифалари ёзилган ишхонаси.

Мен профессор Ҳамдам Усмоновни қидириб, Кимё институтига кириб қолибман. Рўпарамдан чиққан кўзойнакли одам алланглаб турганимни кўриб, тусмоллаб сўради:

— Ким керак эди?
— Ҳамдам Усмоновичда ишим бор эди.
— Ҳамдам Усмонович денг? — Бу — Кимё институти, директориниз Обид Содиқович. Ҳечқиси йўқ, бу жой ҳам Ҳамдам Усмоновичнинг эски уйи. Улар ҳозир анави бинода ишлайдилар, — деди ва остонага чиқиб, Пахта целлюлозаси комёси ва технологияси институтининг эшигини кўрсатиб қўйди.

Кейин билсам, Ҳамдам Усмонов Кимё институтида икки йиллик изланиш ва тадқиқотлардан сўнг, «Табиий полимерлар комёси» деган лаборатория ташкил этибди. Янги лаборатория бора-бора яна никита лабораторияларнинг ичига кирганмиш. Бинобин корхона. Бу ерда Тошкент тўқимачилик комбинатидаги сингари асосий хом ашё — пахта. Институт лабораторияларида пахта минг чигиридан ўтказилиб, «кароматлари» ўрганилади. Лекин институтда гул босиш машиналари ва минглаб урчуқлар йўқ. Улар ўрнига мўъжаз машиналар, аппаратлар, трубалар, идишлар, кайча шишалар. Тончаларда, столларда, жентахталарда кимё китоблари эмас, кимё мўъжизаларн...

... Ҳамдам Усмонович билан кабинетида кўришдим. Оддий иш кабинети. Бир жавон китоб. Ёнида мактаб доскаси.

Одамнинг ўзидан ҳизматини сўраш одобдан эмас. У нимагадир ўргатиб юборади. Мен профессордан: «Нималар кашф қилдингиз?» деб даб-дурустдан сўрамадим, оддийгина қилиб: «Асарларингиз билан бир танишсам», дедим. Ҳамдам ака жилдларда кулди. «Ҳаммаси ёнимда йўқ. Яхшиси, рўйхатлари билан таниша қолинг», деди ва олдимга машинкада ёзилган йигирма бет қоғозли рўйхат билан СССР Фанлар академиясини ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг докладларини, илмий ахборотларини қўйди. Ғиж-ғиж илм. Олий кимёдан бехабар одамга тилсимотга кириб қолган билан баравар. Мана, улардан баъзи бирларининг номлари: «Целлюлоза чиқиндиларини кимёвий текшириш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш истиқболлари», «Терим олдидан ғўза барглрини тўкиш тажрибалари», «Табиий равишда бўялган пахта толасининг кимёвий таркиби»... Булар — кўпчилик тушунадиган илмий илларнинг номларигина, холос. Буларнинг ёнида яна юзларча мураккаб номлар, диссертациялар, рефератлар, дарсликлар, монографиялар, тўпламлар, халқаро симпозиумлардаги, Бутуниттифоқ кенгашлардаги докладлар турибди. Профессорнинг илмий ахборотлари инглиз, француз, немис тилларида эълон қилинган. Ана шу асарларда Ҳ. Усмоновнинг номи билан ёнма-ён бошқа ўнлаб кимё заҳматкашлари: Каргин ва Сушкевичнинг, Славинская ва Дуловаинг, Тиллаева ва Султоновнинг, Лютович ва Пакнинг, Ганиев ва Гафуровнинг номларини фахрланиб ўқиш мумкин.

Олимлар ўзларн учун яшамайдилар, одамлар учун яшайдилар! Ҳамдам Усмоновнинг ҳаёти, бой ижоди билан танишиб, шундай дегинг, шундай бўлгинг, шундай яшагинг, шундай курашгинг келади.

С. АКБАРОВ.

ТОРТИҚ

Байрам ва шодиёна кунлар олдидан янги уйжой бинолари ва бошқа турли хил қурилишларни битказиб, фойдаланишга топшириш қурувчиларимизга одат бўлиб қолди. Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги арафасида ҳам 153-қурилиш трестининг 17-қурилиш бошқармаси биноқорлари Шелковичная кўчасида 300 ўринли болалар боғчасини қуриб битказдилар.

Бу 323-боғча биносини ишга туширишда моҳир қурувчилардан А. Аҳмедов, М. Алибоев, В. Бебинов, Т. Григорьев, Г. Куликов, Н. Кучеренко ва бошқа кўпгина ишчи ҳамда инженер-техник ходимларнинг катта хизмат кўрсатганликларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозим.

И. ШОҒУЛОМОВ.

Суратда: болалар боғчаси биносининг умумий кўриниши.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1913 йили 2 миллион 214,6 минг гектар ерга экин экилган эди. 1965 йилга келиб эса, экин майдонлари 3 миллион 416 минг гектарга етди.

Ўзбекистонда 1913 йили 429,3 минг гектар ерда пахта етиштирилган эди. 1965 йилда эса 1 миллион 600 минг гектардан зиёдроқ майдонда пахта етиштирилди.

1913 йили Ўзбекистонда 521,5 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, бу йил ҳозиргача 3 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрландн.

Агар 1913 йили Ўзбекистонда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 12,2 центнердан пахта олинган бўлса, 1964 йили бу миқдор 22,6 центнерга етди.

Ўзбекистонда 1913 йили ҳаммаси бўлиб 3960 тонна, 1940 йили эса 9,8 минг тонна пилла етиштирилган бўлса, бу йил давлатга 18 минг тонна пилла сотилди.

Республикада 1916 йили 1 миллион 341,6 минг бош қорамол, шу жумладан, 481 минг бош сигир, 3 миллион 821,8 минг бош қўй ва эчкилар бор эди. 1965 йилнинг 1 январига келиб республикада қорамоллар сони 2 миллион 413,2 минг бошга, шу жумладан сигирлар сони 1 миллион 24,8 минг бошга ва қўй-эчкилар сони 7 миллион 629 минг бошга етди.

Ўзбекистонда 1913 йили 93,6 минг тонна гўшт, 236,8 минг тонна сут, 59 минг центнер жун ва 91,3 миллион дона тухум етиштирилган бўлса, 1964 йили сўйилган вазнда 168,1 минг тонна гўшт, 898,1 минг тонна сут, 210 минг центнер жун ва 527 миллион 600 минг дона тухум етиштирилди.

МАНГУ ОЛОВ

Асқад МУХТОР

Тонг.
Совуқ мармардай,
Оғир босиб турар,
Гўё кўндан бери шунда, жилмаган.
Ҳаво намчил.
Вокзал майдонида
Ҳали туман кўтарилмаган.
Шунда уч ўспирин, бўй етган йигитлар,
Устларида янги ва енгил пинжак,
(Таниймн уларни: вокзалда тунаб,
Кундуз трамвайда ковлашар чўнтак)
Мангу ўтни қуршаб, қисиниширди.
Эзгу олов атрофида исиниширди.
Шулар исинсин деб ўлиб кетганмиди
Бунинг тагидаги номаълум солдат?!
Военкоматларга қатнаб юрганида,
Онан-зорини юпатиб, алдаб,
Бутун оиланинг бошида эди.
У совуқ оқопда автоматин қучиб,
Киров қўнган сабза лабларини,
Зўрга қимирлатиб «Она» деганида
Балки шулар ёшида эди...
Энди ундан,
Мана,
Шу олов қолди.
Солдатнинг абадий ёнувчи қалби.
Олижаноб юракларда ёқилган олов,
Мардликнн дилларга жо қилган олов.
Бу ерга келишар узоқ қишлоқлардан,
Эл номаълум фарзандин йўқлар:
Болалар нўқисда қизил галстуклар
Шу оловга ўхшаб ёлқинланадн.
Йигитлар келганда
Бу муқаддас оташ
Уларнинг кўзида лов-лов ёнади.

Булар-чи?
Булар ҳам исинишмоқда.
Наҳот дилларига ундан нур томса?
Мангу олов,
Бу муқаддас олов
Наҳотки, ҳаммага баробар ёнса?
Шулар исинсин деб ўлиб кетганмиди
Бунинг тагидаги номаълум солдат?!
Наҳотки ҳаммага сувдек текин бўлса
Қонлар эвазнга келган саодат!

Йўқ, баробар эмас ҳаммага бу ўт,
Типирчилаб турган қалб бу, қаримас.
Офтоб баробар,
Юлдуз баробар,
Бу олов
Бу олов — баробар эмас.
У мана болаларнинг
Қалбин иситмайди,
У буларни
Қора зулматдан
Совуқ тонгла
Ҳашаротдек судраб чиқариб,
Ҳалол кўзлар — ҳуммга отган.
Бу олов никига бўлар оламни —
Кимга бурч,
кимларга лаънат ортади.
Бировнинг қалбига эзгу ўт ёқса,
Бировнинг вужудин қовжиратади.


* * *

Кўплар уни нойнр «уйқусизлик» деб,
Йўқ, у тегмас менинг ғашимга.
Тун —
Менинг мулойим, собир, ўйчан дўстим
Аста эгилади келиб бошимга.
Нотинч суҳбат билан
Уни қийнайман.
Нолийман иродам йўғидан:
Ажиб, букри, синиқ соя ташлаб
Чил-чил синади тун гугурт чўғидан,
Чекаман.
Соялар ёнда алғов-далғов.
Шаҳар, маҳалла-кўй, оилам ухлар.
Йўқ, бу—соя эмас,
Бу менинг ўйларим,
Рақамлар,
Хатолар,
Ишлар,
Ютуқлар...
Одамлар янги кун ҳуснин туш кўрар,
Менинг ўтган куним мана, ёнимда.
Мен уни, ўтди деб, унутолмайман,
Умр моҳиятин ўйлаганимда.
Розиман
Тун билан нотинч суҳбатда
Эртаги кунимни чоғлолсам.
Кундалик, шошқалоқ, ташвишларимни
Умр моҳияти билан боғлолсам.
Чекаман...
Мендайлар кўпмикин?
Кўп бўлса уйқусиз одамлар.
Бу — катта, суронли, азим меҳнат-куй
Бунинг самарасин ким жамлар?..

ШОДМИЗ, БАХТЛИМИЗ!

РЕПОРТАЖ







Газетанинг фотомухбири Абдусаттор Тўраев билан бизга топшириқ бўлиб қолди: Тошкент шаҳар кўчасидан репортаж уюштирилсин!

Кўча айландик, хиёбонларни кездик, боғларни сайр қилдик. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Ҳамманинг чеҳрасида кулгу. Йўлимиз ремонт-экскаватор заводига тушиб қолди: кирдик. Заводнинг илғор ишчиси Ғани Сайдалиев иш устида, қандайдир детални диққат билан кузатиб турибди, фотомухбир худди шу пайтда уни пленкага туширди. Ғани ака заводнинг энг илғор, энг пешқадам ишчиларидан бири экан. Унинг кўрсаткич тахтасига кўз ташладик: 130 процентдан камни кўрсатмаяпти.

—Бу кўрсаткич, — дейди ўртоқ Сайдалиев, — ҳали кам. Партиямиз Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари бизларга қанот бағишлади: хурсандмиз, шодмиз, кучимизни ва онгимизни партия йўлига бағишлаймиз, партиянинг топшириқларини бажонидил бажарамиз.

Чап томондаги иккинчи суратда чуқур мулоҳаза қилаётган, нималарнидир ўйлаётган йигит студент. Бу студентни биз кутубхонада учратдик. Мўйдин Аминов Тошкент давлат университети шарқ факультетининг 3-курсида таълим олмоқда. Башарти бу йигитнинг баҳолари билан қизи қарсиз: ҳаммаси аъло.

Биз инженер Мирзааҳмад Мирусмонов билан суҳбатда бўлдик. Кўп ишларга бош-қош бўлаётган бу йигит ишлаб туриб, институтни тамомлади. Ҳозир Мирзааҳмад Андижон областининг Янгиқўрғон районида ижроия комитет учун бино лойиҳаси ҳамда Андижон шаҳрида касаба союзлар уйи проектини чизиш устида ишламоқда. Яқин келажакда йўлингиз тушиб, Андижонга бориб қолсангиз, инженер Мирусмоновнинг биноларини кўриб, «раҳмат» дейсиз.

Лекин бу ўринда расми кўрсатилмаган кишилар ҳақида ҳам ҳикоя қиламиз. Мана, сизнинг машинангизга йўл очиб, бамайлихотир ўтаверинг, деб турибди. Ана шу старшина Мўмин Акбаров милицияда 16 йилдан бери ишлайди. Биз Мўмин акани Пушкин кўчасида ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда учратдик.

— Машиналар ва йўловчилар хавфхатарсиз ўтсалар, ана шу бизга бахт. Мўмин Акбаровнинг юрак сўзи шу бўлди.

Трамвайга чиқдик. Сиз ҳам чиққансиз, йўловчига очиқ чеҳра билан кулиб турган кондукторни билсангиз керак. У қадрдон, меҳрибон ва жонкуяр киши Эргаш Тўхтаевдир. Эргаш аканинг ишини енгил деб ўйламанг. Трамвайга хушмуомала ва маданиятли кишилар билан бир қаторда қўполроқ ва асаби бузуқ кишилар ҳам чиқади. Аммо Эргаш ака уларни ширин сўзи билан, яхши муомаласи билан ўзига «ром» қилиб олади.

— Кондукторликни жонимдан ҳам севаман, — деб ҳикоя қилди Эргаш Тўхтаев. — Кишиларнинг кўнглини олиш, уларни трамвайдан хурсанд бўлиб тушиб кетишига эришишдан каттароқ бахт йўқ!

Кўча кездик, хиёбон айландик. Ҳамма жойда кишилар хурсанд, ҳаётдан, турмушдан хурсанд, онласидан, ишидан хурсанд. Ҳамманинг чеҳрасида кулги, ҳамма шод. Шундай бўлаверсин!

Воси МАҲКАМОВ.

ХУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар:

Андижон областидаги **ЎЧҚЎРҒОН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **В. Хайдаров**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Ш. Эрназаров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **У. Абдуллаев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **А. Абдубаннаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Н. Красин**, район суғориш системалари бошлиғи Ўртоқ **З. Эргашев**).

Сирдарё областидаги **Киров район**и (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **К. Искаков**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Р. Мустафина**, район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўртоқ **Н. Кенжабоев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Т. Тезенбоев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Ю. Нурсентов**, район суғориш системалари бошлиғи Ўртоқ **И. Болганбоев**).

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан).

ХОРАЗМ	0,56	114,32	1,29	89,22
ТОШКЕНТ	0,17	111,45	0,05	112,69
САМАРҚАНД	0,41	106,45	0,17	74,36
СУРХОНДАРЁ	0,42	105,89	0,01	96,37
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР	0,93	104,78	0,64	78,03
ФАРҒОНА	0,29	101,33	0,09	92,13
ҚАШҚАДАРЁ	0,08	100,25	—	37,05
Андижон	0,65	98,70	0,25	81,57
Бухоро	0,39	96,99	—	27,46
Сирдарё	0,81	95,74	0,15	109,19
Узбекистон ССР бўйича:	0,50	102,64	0,24	87,60

Республикада 4 ноябрь куни 17978 тонна пахта тайёрланди.

ХИВА ЛАВҲАЛАРИ

ҲАЙКАЛ

Ўн еттинчи йилда «Аврора»нинг қудратли садоси Хива хони Исфандиёрнинг тахтини ҳам қаттиқ ларзага келтирди. Саросимага тушган, ҳалокат ёқасида турганлигини сезган мустабид хоннинг кўзлари қонга тўлиб, зулм ва зўравонликни авж олдирди, чиркин тузумни сақлаб қолишга зўр бериб уринди. «Тонг отмасин» дея буйруқ бериш нақадар бемаънилик бўлса, революцияга тўсиқ бўлиш учун чираниш ҳам шундай бехуда ҳаракат эди. Орадан кўп вақт ўтмай халқ революцияси ғалаба қозониб, Хоразм устида эрк қуёши порлади.

... Нуруллабой Хива хонининг қароргоҳи эди. Исфандиёрнинг ҳашаматли қабулхонаси ва меҳмонхонаси, арзхона ва ҳарами шу ерда. Хон ёз пайтларида арзхона олдидаги мармар супада ўтириб арз-дод сўрарди.

Қадимий Нуруллабой не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган дейсиз. Қанча-қанча ноҳақ қонлар тўкилган, хон саройи фисқу-фужурнинг уяси бўлган. 1918 йил октябрида Жунаидхоннинг ўғли Эши Исфандиёрнинг бошини шу ерда кесган. 1920 йилда Хоразмда революция ғалабаси, 1922 йилда халқ республикаси тузилганлиги мана шу ерда эълон қилинган. Йигирма иккиларни Москвага ўқишга узатиш, паранжини ўтга ёқиш маросимлари ҳам Нуруллабойда бўлиб ўтган.

Хиванинг мана шу тарихий жойи ҳозир батамом ўзгача манзара касб этди. В. И. Ленин ҳайкали қад кўтарган. Ленинград ҳайкалтарошлари яратган бу гигант монумент 1924 йил апрелида келтирилиб, доҳий хотирасини абадийлаштириш мақсадида тантанали равишда очилди. Абадий барҳаёт доҳий қадимий ва навқирон шаҳар ҳуснига мамнун боқиб турибди. Хон меҳмонхонаси эса музейга айлантирилган, мамлакатнинг яқин-йироқларидан ва чет эллардан келган туристлар музейни завқ билан томоша қилишади. Нуруллабойдаги хон саройи ўрнини ҳозир мактаб-интернат, мусиқа мактаби ва болалар боғчаси эгаллаган. Шунингдек, шаҳар газлаштириш бошқармаси, «Коммунизмга» район газетаси босмахонаси, шаҳар халқ маорифи бўлими, почта, омонат касса ва аптека ҳам шу ерда. Манзарали дарахтлар шовуллаб турган истироҳат боғида меҳнаткашлар ёзда мириқиб дам олишади.

Байрам кунларида, тарихий айёмларда революцион воқеалар гувоҳи бўлган Нуруллабой кишилар билан гавжум бўлади. Улар улуғ Ленин ҳайкали атрофига гулчамбарлар қўйишади. Бу — революция доҳийсига халқнинг чексиз меҳр-муҳаббати рамзидир.

ҚАСОС

Хивалик шахсий пенсионер Шарифа она Урозова ҳузурида миз. Олтмишдан ошса ҳам анча тетик, бардам. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш хотираларидан ҳикоя сўзлаб берди.

— Қалби янги ҳаёт сари толпинган, озодлик учун курашган кўпгина хотин-қизлар душманлар чангалида мардона ҳалок бўлдилар. Хива районининг Ғозовот қишлоғида 1925 йилда юз берган воқеа бир умр эсимдан чиқмайди, — деди она ва бехиёр кўзларига ёш олди. Онанинг ҳикоясини чукур ҳаяжон билан тингладим.

... Юз гулидан бир гули очилмаган Аноржон қишлоқда биринчи бўлиб паранжини ташлади. Эрининг қаттиқ қаршилигига қарамай, комсомол сафига кирди. Унинг орзу-армонлари кўп эди, Самарқандда ўқимоқчи эди. Аммо золим эр жаҳолатпарастлар гапига учиб, Аноржонга болта билан ҳамла қилди. Буни кўрган синглиси Дармонжон ўз опасига ёрдамга шошилди. Лекин, душман разил мақсадини амалга оширди, бегуноҳ опа-сингилнинг қони тўкилди. Қотил уларнинг жасадлари солинган қопни Ғозовот ариғига чўкдириб юборган экан. Жасадлар бир неча кундан кейингина топилиб, жиноятчи қилмишига яраша қаттиқ жазоланди.

Опа-сингилнинг фожиали ўлими Хивадагина эмас, бутун Хоразмда синфий душманларга қарши халқ ғазабини алангалатди. Хотин-қизлар митингларга тўпланиб, ташкилий равишда паранжини ўтга улоқтирдилар. 300 га яқин хотин-қиз Ленин комсомоли сафига кириб, уларга комсомол билети топшириш маросими Нуруллабойда ўтказилди.

— Неча юзлаб хотин-қизлар паранжини кул қилиб, комсомол сафига кирганлиги ва ўқишга йўлланганлиги Аноржон ва Дармонжонларнинг бегуноҳ қони учун синфий душманлардан олинган аёвсиз қасос бўлди, — дейди Шарифа она.

Онанинг ҳикоясини ғаяжонланмай тинглаш қийин эди. Революциягача тўрт девор ичида қулликда сўлган хотин-қизларимиз эрк-ҳуқуққа нақадар ташна бўлганликлари ва зулматдан нурга интилганликлари, озодлик учун жасорат билан курашганликлари кўз ўнгимизда гавдаланди.

Аноржон ва Дармонжон каби қиз-жувонларимизнинг эркин яшаш, билим олиш ва ишлаш ҳақидаги орзу-умидлари замонамизда рўёбга чиққанлигини кўриб беҳад фахрланасан, киши. Хива шаҳрининг ўзида умумий таълим мактабларидан ташқари хотин-қизлар педагогика билим юрти, медицина билим юрти, қишлоқ хўжалик техникуми ва бошқа ўқув юртларида неча юзлаб қизлар билим олишяпти. Шаҳардаги гиламчилик ва тикув фабрикаларида, пахта тозалаш заводи, маиший хизмат кўрсатиш комбинати каби корхоналарда хотин-қизлар озод меҳнат гаштини сурмоқдалар. Хива шаҳар Совети ижроия комитети раиси Хуршида Худойберганова, гиламчилик фабрикаси директори Онабиби Бердиева, Крупская номли колхоз раиси Азиза Машарипова ва шунга ўхшаш талай хотин-қизлар раҳбарлик ишларида, давлатни бошқаришда актив қатнашаётирлар.

Ўтмишда мазлума ва заифа ҳисобланган хотин-қизларимиз бугун бахт-саодат, эрк-ҳуқуқ соҳиби бўлганликлари — Улуғ Октябрнинг шарофатидир. Шарифа она айтганидек, эрк учун тўкилган қонлар зое кетмади. Озодлик ғалаба қилди. Бу — эрк душманлари устидан тарихнинг қасосидир, адолат ҳукмидир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

«ТОРПЕДО» ИЛГАРИЛАБ КЕТДИ

Бу мавсумда мамлакатнинг ҳеч бир командаси Москва футбол коллективлари билан бўлган мусобақада «Пахтакор»дек муваффақиятга эришмади. Москваликлар тўққизта ўйинда «Пахтакор»ни бирон марта ҳам енга олмаган эдилар. Тошкентликлар пойтахт командалари дарвозасига 11 та тўп уриб, ўз дарвозаларидан атиги учта тўп ўтказгандилар. Шунинг учун ҳам ўзбек футболчилари билан бўладиган ўйинга «Торпедо» ҳамшаҳарлари «алами»ни олиш учун тушди. Бу учрашув пойтахт автозаводчиларига олтин медаль учун бўлаётган курашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Шу сабабли ҳам торпедочилар зўр ғайрат билан курашдилар ва ишқибозлари ишончини оқладилар. Биринчи таймда Стрельцов ва танаффусдан кейин Марушко, Михайлов, Бредневлар пахтакорчи Ю. Пшеничников дарвозасини аниқ нишонга олдилар. Ҳамшаҳарларимиз рақибларининг тўртта тўпига битта ҳам жавоб қайтаролмадилар. Г. Красницкийнинг июнь марта яратган хавфли ҳолати натижасиз тугади.

Бу ғалаба «Торпедо»ни ўн иккинчи медалга янада яқинлаштирди. Лекин ухар билан пойгалашаётган Киев динамочилари ҳам бўш келмадилар. Улар бу турда «Локомотив»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шу ҳисоб билан ЦСКА «Крилья Советов»ни енгди. Кутаиси торпедочилари билан Ростов армиячилари мусобақаси дуранг бўлиб тугади (ҳисоб 2:2). «Шахтёр» — «Динамо» (Тбилиси) ва Минск динамочилари билан Москва динамочилари учрашувида ҳисоб очилмади.

Энди «А» класси юқори лигаси билан хайрлашадиган коллективлар маълум бўлди. Булар қуйидаги турнир жадвалида охирги ўринларни эгаллаган учта командадир:

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О.
«Торпедо» М.	29	49—19	45
«Динамо» К.	28	47—19	42
ЦСКА	29	33—20	35
«Динамо» Мн.	29	33—22	34
СКА Р.	29	40—31	34
«Динамо» М.	30	35—24	33
«Динамо» Тб.	29	31—26	31
«Зенит»	29	31—26	31
«Спартак» М.	29	23—22	29
«Пахтакор»	29	29—37	28
«Шахтёр»	29	24—26	27
«Нефтяник»	29	27—31	27
«Кр. Советов»	30	33—36	26
«Черноморец»	29	33—37	26
«Локомотив»	32	37—48	24
«Торпедо» Кт.	30	24—65	17
СКА Од.	28	17—55	9

1965 ИИЛ 7 НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1965 йил 7 ноябрь, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги байрами кунида қўшинлар паради тугагандан сўнг В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Намойиш эрталаб соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари ўз корхоналари, муассасалари бўйича йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва район колонналарида белгиланган маршрут бўйича Ленин номидаги майдонга қараб юрадилар.

Пропускаси бўлган граждан лар Ленин номидаги майдонга пропуска кўрсатилган пунктлар орқали соат 9 дан 45 минут ўтгунча қўйиладилар.

Махсус пропускаси бўлган автомашиналар соат 9 дан 45 минут ўтгунча қўйилади.

ШАҲАР ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ КОМИССИЯСИ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РАДИО

6 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 17.50, 19.50 — Сўнгги ахборотлар. 6.15 — Концерт (ўзб.). 7.15 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус). 7.35 — Куйлар. 8.25—Қўшиқлар (ўзб.). 9.15 — «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», 9.53—«Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори. 9.35 — «Дилбарим». Лирик сюита (ўзб.). 9.45 — «Октябрь байрами» (тож.), 10.10 — Ешлик қўшиқлари (рус.). 10.30 — Концерт (ўзб.). 11.10 — «Октябрь нури остида» (рус.). 11.30 — Концерт (ўзб.). 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 Концерт (рус.). 14.00—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 15.10 — Кекса большевиклар талабига мувофиқ концерт (ўзб.). 16.15 — «Йиллар ва қўшиқлар» (ўзб.). 17.20 — Уйғур куйлари. 18.00 — «Ассалом, Улуғ Октябрь» 18.30 — Концерт (ўзб.). 19.00 — «Ўзбекистон байрам арафасида» (ўзб.). 19.15 — Репортёр билан республика бўйлаб (рус.). 19.30 — Қувноқ концерт (ўзб.). 20.00 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш (Москвадан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Энг бахтиёрлар ҳақида** (телефильм). 12.45—**Валера** (бадиий фильм). 17.00—**Жонажон партияга шоншараф** (болалар учун ўзбек тилида адабий-музикали композиция). 17.40 — **Телевизион янгиликлар.** 17.55 — **Яшасин ватанимиз** (адабий-музикали композиция). 18.30—**Революция ветеранлари.** 19.00 — **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигига бағишланган концерт,** концертдан сўнг — Кинофильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/XI эрталаб соат 11 да **Доктор Айболит,** 7.8/XI да кундуз ва кечқурун **Катта байрам концертлари.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/XI да **Қутлуғ қон,** 7/XI да кундуз ва кечқурун **Сарвқомат дилбарим,** 8/XI да кундуз ва кечқурун **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/XI кеч соат 7 да **Уғил уйлантириш,** 7/XI кундуз 12 да **Жон қизлар,** кундуз 4 да **Катта концерт,** кеч 7 да **Тошболта ошиқ,** 8/XI кундуз 12 да **Уғил уйлантириш,** кундуз 4 да **Катта концерт,** кеч 7 да **Ишқинг билан.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 7/XI кундуз соат 3 да, 8/XI кундуз 1 да **Концертлар.** Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров,** солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг иштироки** билан **Катта томошалар.**

КИНО

6 НОЯБРДА

Елғизлик (1 ва 2-серия) — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Осиё устида бўрон — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да).

Унутилган ота-боболар сояси— «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бўрон болалари — «МИР» (кундуз соат 4 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Осиё устида бўрон (эрталаб соат 10 да ўзбек тилида), **Ленин ҳақида ҳикоялар** (эрталаб 11-40, кундуз 1 ярим ва кеч 6-40 минутда), **Штепсель Тарапунькани уйлантиради** (кундуз 3-20, 5, кеч 8 ярим ва 10 да)— НАВОИЙ номли.

Эшин тутқич комедияси — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жиннилар суди — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 яримда).

Кимсиз, доктор Зорге?—«ДРУЖБА» (кундуз соат 5 ва кеч 8 яримда).

Ер-ёр — «МОСКВА» (кундуз соат 12 ярим ва кеч 9 яримда).

Тепамизда Жанубий крест — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да).

Ленин Октябрда — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ПАРТИЯВИЙ
ЖУРНАЛЛАРГА
1966 йил учун
ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ
Ўзбекистон коммунисти,
Коммунист Узбекистана,
Партия турмуши,
Партийная жизнь,
Агитатор блокноти,
Блокнот агитатора.
ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 261. ИНДЕКС 64543.
Р. 01309.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Планетамизда

ОЗОДЛИК ЙЎЛИ

САНТО-ДОМИНГОДАН ХАТ

Қадрли дўстлар! Бу хатим вақтида етиб борадими-йўқми, билмайман. Мен совет кишилари бу хатни ўз миллий байрамлари арафасида ўқишларини истар эдим. Бу байрамни биз, доминиканаликлар ҳам нишонлаймиз. Бу байрамни биз шунинг учун ҳам нишонлаймизки, сизнинг революциянгизнинг бутун дунёга таъсири жуда беқиёсдир. Бундан деярли ярим аср муқаддам Россия халқлари жаҳон тарихида биринчи марта капитализм занжирини парчалаб ташладилар, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатдилар, ишчи ва деҳқонларнинг чинакам эркин жамиятини барпо қилдилар.

Октябрь идеялари бутун дунёни, империализм ва эксплуатация зулмидан озод бўлиш учун, яни жамият қуриш учун курашаётган барча халқларни руҳлантирмоқда.

Доминиканаликлар Улуғ Октябрь социалистик революциясини чин қалбдан шарафлайдилар. Октябрнинг шонли йиллиги кунида уларнинг назари Совет Иттифоқига қаратилгандир. Чунки, Советлар мамлакати, бу қудратли, кўп миллатли давлат ватаним ерларини АҚШ оккупацион армияси этиклари топтаётган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Санто-Доминони ҳимоя қилиб чиқди.

Бутун Латин Америкаси меҳнаткашлари каби Санто-Доминго меҳнаткашлари ҳам маҳаллий олигархия ва энг муҳими, ўзларининг энг мақкор душмани бўлган Шимолий Америка империализмига қарши кескин жангга отландилар. АҚШ халқаро жандармга айланди. У жаҳондаги кўпгина мамлакатларда талон-торож, алдамчилик, меҳнаткашларга нисбатан зўравонликни қўллаб-қувватламоқда.

Яқинда АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси қабул қилган резолюцияда империалистлар ўзларини Латин Америкаси қитъасидаги тўла ҳуқуқли «хўжайин» деб эълон қилдилар. Улар Доминикана Республикасида қилганларидек, ўзлари хоҳлаган вақтда Латин Америкасидаги ҳар бир мамлакатга бостириб кириш «ҳуқуқи»га эга эмишлар.

Шу билан бир вақтда Советлар мамлакатининг вакилларигина БМТнинг сўнгги сессиясида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашишни қоралашни таклиф қилиб чиққанлиги яхши эсимизда.

Санто-Доминго халқи революцияни экспорт қилиб бўлмаслигини, маҳаллий олигархияни фақат Доминикана халқининг ўзигина ағдариб ташлаши ва яниларини мамлакатимиздан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкинлигини билади. Биз оқибат натижада ғалаба қозонишимизга ишонамиз. Бу шафқатсиз ва узоқ давом этадиган курашда мамлакатим учун дунёдаги барча халқларнинг бирдамлиги жуда зарурдир.

Биринчи бўлиб социализм қурган совет халқи Доминикана халқи бошига тушган кулфатларни, азоб-уқубатларни яхши тушунишини ҳамда бу курашда менинг халқимни қўллаб-қувватлашини яхши биламиз. Совет халқи бегаразлик билан ана шундай қилмоқда. Бунинг сабаби жаҳонда биринчи марта эркин жамият қурган кишиларнинг асосий қонунларидан бири қардошларча бирдамлик эканлигидир.

Менинг халқим ва бошқа халқлар ҳам бугунги совет воқелиги — бундан 48 йил муқаддам Россия революционерлари ўз кучлари, ўз қалблари ва ақл-заковатларини сарфлаган идеалларининг мужассами деб биладилар.

XX аср бошларида рус революционерларини руҳлантирган, ишчилар ва деҳқонларни чоризм бошбошдоқлиги ва зулмига қарши, пролетарларнинг пешана тери ва қони эвазига бойлик орттирган чет эл капиталистларининг талончилигига қарши курашга чорлаган идеалларини деб эндиликда барча эзилган кишилар курашга отланмоқда. Ҳозир халқларнинг ўз эрки учун курашдаги ғайратини, шижоатини енгадиган, ғолдасини бука оладиган куч дунёда йўқ.

Мен бу хатни қўшни кварталда отишмалар тингандан сўнг ёза бошладим. Янки босқинчилари ва уларнинг агентлари ватанпарварларга қарши навбатдаги ирвони бошладилар. Улар бизнинг еримизда қолиш учун ҳар қандай жиноят қилишдан тойма ётирлар. Аммо биз бунга сира йўл қўймаймиз. Доминиканага халқи озодлик йўлини танлаб олди, бу йўлни Улуғ Октябрнинг сўнмас нури ёритиб турибди.

Онорато ХИМЕНЕС,
Доминиканага журналисти. (АПН).
Санто-Доминго.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Юзлаб хонадонлар янги уйларга кўчиб киришди

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахти ишчи ва хизматчиларининг юзлаб оиласи шу кунларда янги шинам уйларга кўчиб киришмоқдалар.

Бу йил пойтахтнинг уй-жой фонди тахминан 35 минг квадрат метр кенгайди. Биноқорлар йил охиригача яна бир неча минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширадилар.

БАСКЕТБОЛ ВА... КОРЗИНКА

«Баскет» сўзи инглизча корзина бўлиб, «бол» сўзи тўп деганидир. Шу икки сўздан баскетбол ўйинининг оти келиб чиққан.

Воқеа шундай бўлган: Америка Қўшма Штатларидаги Спрингфильд колледжининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Нейсмит болаларни зериктирмаслик учун бирор ўйин топмоқчи бўлиб турган эди. Дарсага қаради: Деҳқонлар машиналарда мева-чева олиб келиб, корзиналарни дўкон олдида туширишарди. У ташқарига чиқиб, дўкон хўжайинидан иккита корзина сўраб олди. Бир корзинани спорт залининг у бурчига, биттасини бу бурчига осиб қўйди. Сўнг футбол тўпини ана шу корзинкаларга ота бошлади. Тўп корзиннага тушиб қолганда уни нарвон қўйиб олишга тўғри келарди. Шунда ўнувчилар корзинканинг остини ўйишни маслаҳат бердилар. Бу ўйин ўнувчиларга жуда манзур бўлди. Орадан бир оз вақт ўтгач, оддий корзинкалар ўрнига темир корзинкалар қилишиб, унинг атрофига тўр тутишди. Шундай қилиб БАСКЕТБОЛ ўйини пайдо бўлди.

«БАДМИНТОН» ҚАЕРДАН КЕЛГАН?

Волан! Бу нима деганн энан? Француз тилида бу «учқир» деган маънони англатади.

Хўш, «бадминтон» дегани нимаси? Агар сиз бу сўзнинг маъносини географдан сўрасангиз, у Лондоннинг атрофида шундай бир кичик шаҳар бор, деб жавоб беради. Лекин кўп кишилар бадминтон — ўйинининг бир хили, дейдилар. Икки жавоб ҳам тўғри. Чунки, бу ўйин Англиядаги кичик шаҳарчанинг номига қўйилган.

Қачонлардир ҳозирги Бадминтон шаҳрининг ўрнида чатта ер эгаси — герцог истиқомат қилган. У Ҳиндистон билан савдо алоқалари олиб борган. Кунлардан бир кун герцогга фил сулгидан ясалган, ҳар хил қушларнинг пати билан безатилган коптокни совға қилиб келтиришган. Бу ўйин герцогга жуда манзур бўлди ва «бадминтон» номи билан бутун Англияга тарқалди.

Бадминтон Англияда тарқалмасдан олдин ҳам Россияда бу ўйин маълум эди. Екатерина II нинг саройидаги амалдорлар бу ўйинни Францияда ўрганиб келиб, «Волан» деб аташарди.

«ЮНОСТЬ» журналидан.